

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ**

**«Енгил саноат технологияси»  
факултети**

**«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси»  
кафедраси**

Химояга рухсат этилди  
Факултет декани  
\_\_\_\_\_ У. Мелибоев  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2015 йил

5320900-«Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва  
технологияси» йўналиши бўйича битирувчи

**ВОХИДОВ НУРМУҲАММАДБОБУР АКБАРЖОН ЎҒЛИ**нинг

"Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз  
ботинкасини конструкциясини куриш ва технологиясини ишлаб чиқиш"  
мавзусидаги

# **БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ**

Битирувчи: Вохидов Нурмухаммадбобур Акбаржон ўғли \_\_\_\_\_  
(имзо)

Илмий раҳбар: Юлдашев Жамшид Қамбаралиевич \_\_\_\_\_  
(имзо)

Кафедра мудири: Эргашев Жамолиддин Саматович \_\_\_\_\_  
(имзо)

**НАМАНГАН - 2015 й.**











# НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“Енгил саноат технологияси” факултети

«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси»

кафедраси

Тасдиқлайман \_\_\_\_\_

Кафедра мудири Ж.С.Эргашев

2015 йил \_\_\_\_\_ июн

5320900-«Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва  
технологияси» йўналиши

15у-11 гуруҳи талабаси Вохидов Нурмухаммадбобур Акбаржон ўғлига

## **Битирув малака иши бўйича топшириқ**

1. Битирув малака ишининг мавзуси "Тағлиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини конструкциясини куриш ва технологиясини ишлаб чиқиш".

«17» декабр 2014 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малака ишини топшириш муддати - 22 июн 2015 йил

3. Битирув малака ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар Эскизлар чизиш, моделни конструкциясини ўрганиш, ассортимент танлаш ва уларга паспорт тузиш, деталларни соф майдонини олиш.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Устки деталларни лойиҳалашда пойабзални конструктив асосини тайёрлаш. Деталларни бирлаштириш ва тортиш қирғоқлари учун қўшимчаларни ҳисоблаш. Устки ва тағ деталларни чизиш. Ассортимент танлаш ва ҳисоблаш, материалларни бичиш ва қирқиш, тановорни йиғиш ва тикиш технологик жараёнларини тузиш ва материалларга эҳтиёжини ҳисоблаш

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1. Пойабзални устки деталларини чизиш.

2. Пойабзални тағ деталларини чизиш

6. Битирув малака иши бўйича маслаҳатчилар

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф. И. Ш.	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	Кириш	Ж.Юлдашев	17.12.2014	05.01.2015
2	Асосий қисм	Ж.Юлдашев	08.01.2015	30.03.2015
3	Ижтимоий- иқтисодий қисм	Б.Дадажанов	31.03.2015	11.05.2015
4	Меҳнат муҳофазаси	М.Азамбаев	13.05.2015	01.06.2015
5	Яқуний қисм	Ж.Юлдашев	03.06.2015	08.06.2015

Топшириқлар тўлиқ бажарилди \_\_\_\_\_

7. Битирув малака ишини бажариш режаси

№	Битирув малака иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	05.01.2015	
2	Асосий қисм	30.03.2015	
3	Ижтимоий-иқтисодий қисм	11.05.2015	
4	Меҳнат муҳофазаси	01.06.2015	
5	Яқуний қисм	08.06.2015	

Битирув малака иши раҳбари Ж.Юлдашев \_\_\_\_\_

Топшириқни бажаришга олдим, Н.Воҳидов \_\_\_\_\_

Топшириқ берилган сана 2014 йил 17 декабр

Ҳимояга руҳсат 2015 йил 20 июн

Кафедра мудири Ж.Эргашев \_\_\_\_\_



Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимизда 2014-2013 йилга нисбатан 13.6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ доллариغا тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг салкам 75 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан 38% га яқини асбоб ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилади. [1]

Ўзбекистон социал ориентирга эга бўлган моделини ишлаб чиқарди ва миллий хусусият ва анъаналарини ҳисобга олиб янгиланиш ва прогресс йўлини танлади. Чарм – пойабзал тармоқларининг мақсад ва йўналиши эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 23 феврал 2000 йил «Республика чарм пойабзал тармоқларини бошқариш системасини такомиллаштириш» тўғрисидаги фармонида:

- рақобатбардош чарм – пойабзал маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ягона техник ва инвестицион сиёсатни ўтказиш, кенг кўламда чет эл инвестициясини жалб қилиш, илғор технологияъни тадбиқ қилиш корхоналарни янги шаклдаги кооперация, модернизация ва техник қайта ускуналашни ривожлантириш;

-ички ва ташқи бозор маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулот хажмини ва ассортиментини кенгайтириш;

-тармоқ корхоналар ва ташкилотлараро хўжалик ва технологик алоқаларни мустаҳкамлаш;

-чарм ишлаб чиқариш, хом-ашё тайёрлаш соҳалари билан агрокорхоналарни интеграция ва кооперациялаш янги ташкилий ривожланиш шаклини чуқурлаштириш, корхонани керакли материаллар, техник ресурслар ва тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиш (сотиш) билан алоқадор бўлган жараёнларни чуқурлаштириш каби аниқ вазифалар кўрсатилган.

Ўзбекистонда мустақилликни дастлабки йилларидан бошлаб

босқичма босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар жараёнида бозор тамойиллари талабларига мос инвестиция сиёсати юритилди ва хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиционал фаолиятининг сезиларли даражасида фаоллашувига имкон берди.

“Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир”, - дейдилар Президентимиз ўз нутқларида.

Юртимиз халқининг ўсиб бориши моддий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш масаласини ҳал қилишда пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклайди. Бу вазифаларни бажариш учун пойабзални ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш, пойабзал корхоналарини энг янги жиҳозлар билан таъминлаш талаб қилинади.

Ҳозирги вақтда пойабзал ишлаб чиқариш жуда кенг тармоқ бўлиб, унда механизациялаштиришнинг илғор воситаларидан, компьютер техникасидан, фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланилади. Хусусий пойабзалчиликка кенг йўл очиб берилиши натижасида кичик ва ўрта корхоналар, хусусан, бошқа шаҳарларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Енгил саноат тармоғи барча ривожланган мамлакатлар каби бизнинг республикамизда ҳам давлат бюджетига тушадиган асосий даромадлар манбаидан бири бўлиб ҳисобланади.

Енгил саноат кенг қўламли сертармоқ соҳадир. У ўз ичига пахта ва ипак толаларини қайта ишлаш, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш кабилар қамраб олади. Миллий иқтисодиётимизнинг енгил саноат тармоғи муҳум аҳамиятга эга бўлиб у қуйдаги хусусиятларга мувофиқ , енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда марказий бўғини эгаллайди.

### **1.1. Мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти**

Ҳозирги вақтда кичик корхоналарга ва хусусий тадбиркорликка аҳамият берилмоқда. Мен танлаган мавзу ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан биридир ва катта аҳамиятга эга. Шу боис менинг битирув малака ишимни мақсади таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини замонавий моделлар асосида лойиҳалаш, пойабзалларга қўйиладиган талаблар асосида устки ва таг деталларига турли босқичларда ишлов берувчи замонавий жихозларни қўллаб технологик жараёнларни ишлаб чиқишдир. Чунки биз замонавий, истеъмолчиларнинг талабини қондирадиган қулай, ҳушбичим ва арзон пойабзал турларини ишлаб чиқаришимиз керак.

### **1.2. Битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари.**

Замонавий мутахассис бир вақтнинг ўзида дизайнер, конструктор, технолог ва ўз маҳсулотини муваффақиятли сотувчи каби вазифаларни бажариши керак. Юқоридаги масалалар фақатгина малакали мутахассислар орқали амалга оширилади.

Битирув малака ишининг мақсади таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини янги турларини яратиш ва замонавий жихозларда тикиш технологиясидан фойдаланишдан иборатдир.

Ишнинг вазифаси жаҳон талабларига жавоб бера оладиган энг янги замонавий, модабоп таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини конструкциясини қуриш ва технологик жараёнларини ишлаб чиқиб, пойабзал корхоналарга тадбиқ этишдир.

### **1.3. Битирув малака ишининг объекти.**

Замонавий таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини лойиҳалаш, замонавий моделларини яратиш ва уни тикиш технологиясини корхонага тадбиқ этиш. Битирув малака ишини тадбиқ этиш учун Косонсой “Ал-Азиз” МЧЖ пойабзал корхонаси объект

сифатида танлаб олинди. Бунда таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини янги моделдаги конструкцияси тадқиқот қилинди.

#### **1.4. Битирув малака ишидаги илмий янгиликлар ва кутилаётган натижалар.**

Тадқиқот ўтказиш давомида қуйидаги натижаларга эришилади:

- таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини моделлари турларини таҳлил қилиш ва конструкциясини яратилади.

Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки замонавий ва маҳсулдор технологияларни қўллаган ҳолда, тайёрланган моделни пойабзал корхоналарига тадбиқ этиб, уларни ишлаб чиқаришга қўйилса яхши натижалар беради деб ҳисоблайман.

#### **1.5. Битирув малака ишининг амалий аҳамияти.**

Битирув малака ишимни амалий аҳамияти шундаки, пойабзални устки ва таглик деталларини лойиҳаланган андозаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва шу асосида оммавий ишлаб чиқаришга жорий этиш керак.

#### **1.6. Битирув малака ишининг тузилиши.**

Битирув малака ишим кириш, асосий қисм, назарий қисм, дизайн қисми, конструкция қисми, технология қисми, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бўлими, меҳнат муҳофазаси каби бўлимлардан иборатдир.

## **2. АСОСИЙ ҚИСМ**

### **2. Буюм дизайни.**

#### **2.1. Замонавий мода тенденциялари.**

Конструкцияси “Лоафер” усулида бажарилган эркаклар резинали кўнжсиз ботинкаси модани ўзгаришига қарамай бу пойабзал доимо истеъмолчини ўзига қаратади.

Бундай усулда бажарилган пойабзал модели пойабзал бўлиб, ҳар кун кийишга тавсия этилади.

Пойабзални устки қисмига табиий ва юмшоқ синтетик чармлардан ишлаб чиқариш тавсия этилади. Таглик қисмга эса ПВХ резина ёки кожволондан ишлаб чиқариш мумкин, пошнаси эса тўртбурчакшаклида.

Пойабзални ранг палитрасига келинса, дизайнерлар асосан тўқ қора, жигар ранг ва тўқ сиёҳ рангларни кўпроқ ишлатади.

Бундай усулида бажарилган эркаклар кўнжсиз ботинкаси классик кийим билан кийимасдан, балки спорт усулига ўхшаш кийим кийса ҳам бўлади.

Пойабзални силуэти ихчам, қолипни тумшуқ қисми ўртача овалсимон ва учлик шаклга эга. Бундай услубда ишлаб чиқарилган пойабзал харидорни четда назарини қолдирмайди.

#### **2.2. Лойиҳа эскизи.**

Топшириқ асосида эскизни лойиҳасига ўтилади.

Ишланган эскиз лойиҳалаётган пойабзални хусусиятларини ёритади: қолипни ва пошнани шакли, пошна баландлиги, устки ва таг деталларни шакли, чокларни сони ва уларни тақсимланиши, перфорация расми, ишлатиладиган фурнитура ва безаклар.

Бундан ташқари эскизни кўрсатиш учун материални рангини ва фактурасини ҳам кўрсатиш зарур.

Эскизлар қалам, туш ёки буёқлар билан бажарилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда эскизларни ишлаганда ҳажмий лойиҳалаш усули ишлатилади. Бундай усул билан яратилган модель пойабзални мақсадли шаклини баҳолайди. Кейинчалик модель билан ишлаганда шаклни, яъни олдинги вариантдан ўзгарилган қирғоғлари аниқланади. Бундан ташқари бўлажак буюмни чизиклари, декори рационал жойлаштирилади.

Эскизда бажарилган муддат, лойиҳалашга топшириқни номери қолип фасони, пойабзални тури, жинси, пойабзални устки ва таг материаллари, бириктириш усули, модельерни ёки рассомни фамилияси кўрсатилади.

Баъзи бир ҳолатда пойабзал эскизига расмийлаштирилган бадиий тасвир ёки безакларни турли хил намуналари илова қилинади. Ҳар бир лойиҳа топширишга бир нечта яратилган эскиз кўзда тутилади.

Пойабзални янги модель эскизини яратганда мода йуналишини, пойабзални ансамблини бошқа буюмлари билан биргаликдагини эътиборга олинади. Модельер ва рассом бадиий – техник кенгашига эскизларини тақдим этади.

Бадиий – техник кенгаш кўриб чиқиб ўзини тузатишларини киритади.

Эскизни кўриб чиқишда буюмни конструкциясидан ташқари кўриниши, моделни тежамлилиги эътиборга олинади. Бадиий-техник кенгаш эскизни тасдиқлагандан сўнг уни муаллифига қайтариб беради ва унга ишлов бериб, кейинги бадиий техник кенгаши йиғилишига тақдим этилади.[4]

### **2.3 Янги моделларни эскизини тайёрлаш.**

Биринчи босқичда асос моделини танлаб олгандан сўнг, лойиҳаланаётган пойабзалга бир нечта (4-6) моделини ишланади. Бунда қолипни конструкциясини, тумшук қисмини шаклини ҳисобга оламиз .

Моделни қиёсий баҳолаш технологиявийлик, унификация, техник эстетика бўйича қилинади. Эскиз тайёрлангач, пойабзал учун битта асос моделга унификацияланган қаторни тузамиз. [4]

### 2.3.1. Моделни ташқи кўринишини тавсифлаш.

Мен танлаган пойабзал “Лоафер” усулида бажарилиб, ишбилармон эркакларга мўлжалланган. Бу усулда бажарилган пойабзал кийганда кўп вақтни олмайди, чунки танаворда ён қисмида резина бор. У ўз вақтида боғич вазифасини бажариб оёқ қафтида пойабзални маҳкам ушлайди.

Устки деталлари ясси, ботинкани тилчаси ўртача, мода боп. Тановар икки қисмдан иборат: устки деталлар ва астарлик деталлар тугуни. Деталларни бир бири билан қўйма икки қатор чок билан бирлаштирилади.

Лойиҳалаётган пойабзалимга пойабзални вазифасини, қолипни, тановор ва пойабзални конструкциясини, устки ва таг материалларини, таглик ва пошнани бириктириш усули, пойабзални ДАСТи , артикули, қолип фасонини келтирамиз.[4]

Юқоридаги талаблар асосида модел паспортини тузамиз ва жадвал кўринишида ёзамиз.

#### 1 - Модел паспорти

1. Пойабзал тури – кўнжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – эркаклар
3. Қолип фасони – 912220
4. Бириктириш усули – елимли
5. Устки материали – бузоқ чарми
6. Таглик материали – ПВХ
7. Пошна баландлиги – 20 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 19116-84
10. Тановор конструкцияси – деталларни кўринадиган қирғоғи букиб ишлов берилади

1- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Бузоқ чарми	1,1	939-84
2	Дастак	4	Бузоқ чарми	1,1	939-84

3	Бетлик астари	2	Тик-саржа	0,5	19169-84
4	Дастак астари	4	Қўй чарми	0,8	940-84
5	Тилча астари	2	Қўй чарми	0,8	940-84
6	Бетлик оралик астари	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
7	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
8	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
9	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	2,2	17-22-85
10	Ички патак	2	Қўй чарми	0,8	940-84
11	Асосий патак	2	Қаттиқ чарм	2,2	1010-84
12	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,0	17-112-84
13	Тўлдиргич	2	Картон П-1	2,2	17-21-94-84
14	Таглик	2	ПВХ	20,0	-

### 3. Буюм материалларини конфекциялаш.

Пойабзал устки ва таг деталларини материалларини конфекциялашда, аввало пойабзални вазифаси, ДАСТи ва ТШ талаблари, материални механик хусусиятини ҳисобга олишимиз. Материални хусусиятларини иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқариш технологиясини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда пойабзални эксплуатация қилиш нуктаи-назаридан кўрсатишимиз лозим. Материалларни физик ва механик хусусиятларини таққослаб ва уларни 2-жадвалга ёзамиз.[7]

Материалларни физик-механик хусусиятлари.

2-жадвал

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ДАСТ ёки ТШ бўйича қиймати		
			Бузоқ чарм	Ярим тана	Тана
1	2	3	4	5	6
1.	Чарм майдони	дм <sup>2</sup>	80	120	160
2.	Вазни	Кг	11	13	15
3.	Чарм қалинлиги	Мм	0,9	1,1	1,2
4.	Чармдаги мустаҳкамлик даражаси	М/па	20	20	20
5.	Кучланишдаги узайиши, %	%	16÷28	20÷33	18÷33
6.	Кучланишдаги чарм юзасини ёрилиши	М/па	18,5	18,5	24,5
7.	Ишқаланишдаги мустаҳкамлик	Соат/ айл	200	200	200
8.	Иссиқликка чидамлилиги	м <sup>2</sup> /см <sup>2</sup>	2÷4	2÷6	2÷6
9.	Гигроскопик даражаси	%	15	17	17
10.	Намланиш даражаси	%	30	30	28

Хулоса: жадвалдан кўришиб турибдики, физик-механик хусусиятлари асосида, бузоқ чарм афзалликлари жиҳатидан эркаклар кўнжсиз ботинкасига устки қисмига ишлатишга тавсия этаман.

**Экспериментал бўлим**  
**4. Конструкциялаш қисми**

#### 4.1. Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкасини сиртки деталларини лойиҳалаш

“Лоафер” сўзи французча бўлиб, ишбилармон, тадбиркор (одам) маъносини беради. Ишбилармон, тадбиркор одамларга мўлжалланган пойабзал кийиш учун кўп вақтни олмаслиги керак. Шунинг учун, бетликнинг тилини кўринадиган қисми остида яширин резина жойлашган бўлади. Юрганда резинка чўзилиши, лекин бетлик остидан кўринмаслиги керак.

Бетлик дастакга бутун периметри билан эмас,  $E^1G$  чизиғи бўйича мустаҳкамлик  $ГГ_2$  (1-рasm) чокига тикилади. Шунинг натижасида бетликни ўрта қисми дастакка нисбатан кўпроқ чўзилиш хусусиятига эга. Худди ён томонида жойлашган резинкали кўнжсиз ботинкалар сингари. “Лоафер” конструкциясидаги пойабзалларни, дастакнинг юқори қисми зийни чўзилиши ҳисобига оёққа кийиш ва ечиш мумкин. Бундай конструкциядаги пойабзалларнинг астарини очик ёки сиртки детал билан қилиб лойиҳалаш мумкин, бу эса унинг ўлчамларига ва сиртки деталларнинг қиёфасига таъсир этади. Тикилган астарли кўнжсиз ботинкаларни йиғишга, очик астарликка нисбатан меҳнат кам сарф бўлади, ammo исталган конструкциядаги сиртки деталларни лойиҳалаб бўлмайди. Сиртки деталлари: яхлит бетликдан, дастаклардан, резинкадан ва энли орқа ташқи тасмадан иборат бўлган, бетлик билан дастакнинг юқори зийи букилган, орқа тасма ва бетликнинг қанотларини кўринадига зийи бўялган, очик астарли танаворни йиғиш қўйидагича бўлади. Бунда дастакнинг сиртки деталларини ўзаро тикиб дастакнинг узели, астарларни ўзаро тикиб астарнинг бойлами ҳосил қилинади. Сўнгра бу икки бойламни ўзаро юқори зийи бўйича тикиб олгандан кейин, бетликнинг бойламини, дастакнинг бойламига қўйиб, очик астарни қайириб туриб, қўйма чок ёрдамида ва  $ГГ_2$  чизиғи бўйича мустаҳкамлик чоки тикилади. Охириги навбатда тилчанинг чарм астар, дастакнинг  $d^{11} Г_3$  чизиғи бўйлаб қўшимча


чок ёрдамида тикилади. Бу чок бетлик билан астарнинг орасидаги бўшлиқни йўқотиш учун қилинади.

#### 4.1.1 Сиртки деталларни лойиҳалаш

“Лоафер” туридаги пойабзалларнинг сиртки деталларини лойиҳалашда кўйима дастакли ва ён томонида жойлашган резинкали кўнжсиз ботинкаларни қуриш услубидан фойдаланилади. Координата ўқларини, базис ва ёрдамчи чизиқларни ўтказиб, чизмада фигурали бетликнинг юқори қисмини шакли ВЕ қолипнинг ўртача нусхасида аниқланади. (1а,б-расм) В, В<sub>2</sub> Г ва Е нуқталар орқали тайёр пойабзалда оёқ панжасига яхши ёпишиб туриши учун бетликни биринчи ҳолати лойиҳаланади.

В<sup>1</sup> нуқтадан қолипнинг ўртача нусхасининг IV ва V базис чизиқлари орасида контуридан 4 мм юқорида ётган А<sup>1</sup> (1а,б-расм) нуқтаси орқали В<sup>1</sup> Н<sup>11</sup> чизиғи ўтказилади, АА<sup>1</sup> – 4мм дан катта бўлмаслиги керак. Кейин ҚЎНнинг тумшук қисмини К нуқтасига нисбатан В<sup>1</sup>Н<sup>11</sup>чизиғи урунма булгунча бурилади. Бетликнинг тортиш баҳясини кенглиги, қолипнинг ўртача нусхасини иккинчи ҳолатига нисбатан лойиҳаланади. Бетликнинг букиш чизиғини бундай ҳолати, унинг тортиш баҳясининг периметрини қисқартириб, танаворнинг юқори қисмида ортиқча материал ҳосил қилади ва уни қолипга ўрнашиш хусусиятини пасайтиради. Шу камчиликни йўқотиш учун бетликнинг қанотиға тузатиш киритиш, яъни юзасига Е<sub>2</sub>ГЕ<sup>1</sup> чизиғи бўйича лойиҳаланади, бетлик эса ГЕ<sub>2</sub> контури бўйича бичилади. Бетликни дастакка тикаётганда, уларнинг тортиш баҳяси бир текис туташ чизиқ бўйича етмайди. Бетликни, ён томонида жойлашган резинкали кўнжсиз ботинкаларни бетлигини қуришга ўхшашиб, яъни тўғри бурчакли учбурчак ёрдамида бетликни юқори қисмини, букиш чизиғига нисбатан буриб лойиҳалаш мумкин. Бундай лойиҳалаганда АА<sup>1</sup> масофа катталашиб бетликнинг кўндаланг ўлчамларига ФФ<sup>1</sup>чизиғи бўйича тузатиш киритиш (1в-расм) ёки бўлмаса тортиш баҳясининг тутам кафт қисмининг кенглигини ўзгартириш керак.

Дастакнинг юқори зийи ва резинканинг узунлигини ҳисоблаш худди олдинги моделларга ўхшаш, фақат деталнинг қалинлигини ҳисобга олиш учун е нуктадан 2-3 мм масофада  $e^1$  нуктада ётади. Дастакни олд контури  $E^1 \Gamma_2 K$ . Дастакни, оёқ панжасининг гумбазига ёпиб турадиган, қўйма чок ёрдамида тикилади ва унинг бир томонига 6 мм қўшимча  $d^1 d^{11}$  берилади (1б-расм)



1- Расм. "Лоафер" туридаги эркаклар қўнжсиз ботинканинг сиртқи деталларини лойиҳалаш

#### 4.1.2. Ички деталларни лойиҳалаш

"Лоафер" туридаги қўнжсиз ботинкаларнинг ички деталларини лойиҳалашда, сиртқи деталларни чизмаси асос қилиб олинади. Астарни лойиҳалаш, уларни сиртқи детал билан бириктиришни параллел (2в-расм) ёки кетма-кет (2а-расм) усулда йиғишга боғлиқ.


Чарм астарлар умумий услубга асосан лойиҳаланади.

Биринчи вариантда (2а -расм), яъни кетма-кет усулда лойиҳалашда, чарм астарни товон қисмида, ўрта чизиғига нисбатан 2-3мм қўшимча бериб, қўйма чок, дастакни олд қисмда елимли чок  $d^1 T$  ёки қўйма чок ёрдамида (2б-расм) ёрдамида бириктирилади. Чарм астарнинг олд қисмини ўзаро бириктирганда қалин бўлиб кетмаслиги учун, ташқи дастакни контуридан, тўқима астарни қўшимчасини 8 мм ҳисобга олган ҳолда, кенгроқ қилиб  $d^{11} T$  масофада лойиҳаланади. Чарм астарни олд қисмида ўзаро бириктирилган чокни, ташқи дастак томонга ўтказиш керак (2б-расм). Бетликнинг тўқима астарини буқиш чизиғи  $TT^{11}$ , бетликнинг буқиш

чизиғини, тумшуқ қисмидан 5-6 мм, Г нукта эса 3 мм пастанда лойихаланади. Шундай қилганда, тайёр пойабзалнинг астари ғижимланиб қолмайди. Бетликнинг тўқима астарини, унинг контурига тумшуқ-тутам қисмида 3мм, аҳми қисмида К нуктада чарм астарга нисбатан 2мм қўшимча билан лойихаланади (2д-расм). Тилчанинг чарм астарини, дастакнинг чарм астарига 2-3 мм ва мустаҳкамлик чокини Г нуктасига 3-4мм (2а-расм) қўшимча бериб лойихалаш керак, чунки тилчанинг чарм астари қўйма чок ёрдамида,  $d^{11}$  Г<sub>3</sub> чизиғи бўйича тикилади.

Иккинчи вариантда, яъни параллел усулда, сиртки деталларни ўзаро ётганда (бетликни+дастак билан), астарлар (чарм астар+тўқима астар) билан бир йўла тикиб юборилади (2в-расм). Бетликнинг тўқима астарига тилчани чарм астарини тикиб (ёки елимлаб), бетликка елим ёрдамида бириктирилади. Бетликни тўқима астарини, юқори қисми, тилчанинг чарм астарига нисбатан 15-20мм қўшимча билан, тортиш баҳяси бўйича эса 5-7 мм қиски қилиб лойихаланади.

Тилчани чарм астари худди олдинги вариантдагидек лойихаланади, фақат ИИ<sup>1</sup> периметри И нуктада 1-2 мм қисқартирилади, бу эса тилчада ғижим пайдо бўлишини олдини олади. Астарларни лойихалашнинг бошқа вариантлари ҳам бўлиши мумкин. (2г-расм)



2- Расм. "Лоафер" туридаги эркаклар қўнжсиз ботинканинг ички деталларини лойихалаш


#### 4.2. Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини таг деталларини лойихалаш

Таг деталларини лойиҳалаш икки гуруҳга бўлинади. Ясси шаклдаги таг деталлари (чарм, резина, пласамасса ва х.к. материаллардан), иккинчиси шакллантирилган (яхлит қўйма, ярим қўйма), қўйма усулда тайёрланган деталлар.

Таг деталларин конструкцияси, шакли ўлчам (размер) лари, пойабзалнинг кўринишига, конструкциясига, жинсий гуруҳига, пошнасининг баландлигига, таг деталларини бирлаштириш усулига, ҳамда тагликга ишлов беришга боғлиқ. Лекин иккала гуруҳдаги таг деталларини қуришда қолипнинг таг қисмининг нусхаси асос қилиб олинади. Шунинг учун қолипнинг таг қисмидан нусха олишни билишимиз шарт.

Қолипнинг таг қисмини юпка қоғозга қўйиб, уни қоғозга нисбатан тик қилиб контури чизиб олинади. Шу контурга 8-10 мм қўшимча бериб янги хосил бўлган контур орқали қирқиб олинади ва хар 10-15 мм масофада 15-20 мм чуқурликда япроқчалар кесилади. (3-расм).

Шу кесилган қоғозни қолипнинг таг қисмига елим ёрдамида ёпиштирилиб, қолипнинг қирралари (контури) қалам ёрдамида қоғозга кўчирилади. Кейин қоғозни кўчириб олиб, қалинроқ қоғозга елимлаб янги хосил бўлган контур орқали қирқиб олинади, унга қолипнинг размери  $N$ , тўлалиги  $W$ , таг қисмининг узунлиги  $L_n$  ёзиб қўйилади.[7]



3-расм. Қолипнинг таг қисмидан нусха олиш тасвири.


Асосий патакни лойиҳалашда шу олинган қолипнинг таг қисмини нусхасидан фойдаланилади. Пойабзалнинг таг деталларини лойиҳалаш, устки деталларни лойиҳалашга нисбатан осон ва бир-бирига ўхшашдир. Таг деталларини тузилиши: ўлчамлари, шаклига, пойабзалнинг конструкциясига, кўринишига, жинсий гуруҳига боғлиқдир. Ҳамма таг

деталларининг қуриш учун қолипнинг тагини нухаси (патак) асос қилиб олинади. Шунинг учун биринчи навбатда асосий патак лойиҳаланади.[5]

#### 4.2.1. Асосий патакни лойиҳалаш

Асосий патакни қуришда қолипнинг таг қисмининг нухасидан фойдаланилади. Яқин йилларгача қолипнинг таг қисмини нухаси асосий патакнинг контури деб юритилиб, уни қолипга биркитилгандан кейин товон қисми зийи бўйича шилиб ташланар эди.[5]

Хозирги пайтда патакни контури, қолипнинг таг қисмини контурига нисбатан  $Y$  миқдорга қисқартирилмоқда. Бундай қилинганда, биринчидан бир технологик (патакнинг товон қисмини шилиш) жараёни қисқаради ва иккинчидан материал иқтисод қилинади. (4-расм).



4-расм. Асосий патакни қуриш тасвири.

Шундай қилиб устки деталларни текис қолипга тортиш учун, патакнинг контури қисқартирилиши керак. Бу қуйидагича топилади.

$$Y_1 = t \text{ пат} \times \text{tg} \alpha .$$

бу ерда:  $Y_1$  - қисқартирилиш қиймати;

$t$  пат - давлат стандарт бўйича патакнинг қалинлиги;

$\alpha$  - қолипнинг ён қисмига ўтказилган уринма аб ва қолипнинг таг қисмига ўтказилган тик ВкВ орасидаги бурчак

$\alpha$  бурчакдаги қолипнинг хар хил кесимларида турлича бўлиб, А.А. Афанасиевнинг тавсиясига биноан қуйидаги қийматларга эга.

градус

Товон қисмининг орқа томонида ————— 20-25

Товон қисмининг ен томонларида ————— 8-23

Ички аҳми қисмида	—————	40-50
Ташқи аҳми қисмида	—————	7-25
Ташқи тутам қисмида	—————	0-15
Ички тутам қисмида	—————	0-15

Патакнинг узунлиги қисқартиришни, қуйидаги тенглама ёрдамида топилади:

$$D_{\text{пат}} = D_{\text{к}} - t_{\text{пат}} \times \operatorname{tg} \alpha$$

бу ерда :  $D_{\text{пат}}$  - патакнинг узунлиги;

$D_{\text{к}}$  - қолипнинг таг қисмини узунлиги.

#### 4.2.2. Тагликни лойиҳалаш.

Тагликни лойиҳалашда патакнинг контури асос қилиб олинади.

Патакни контури ингичка ёрдамчи чизиқ билан чизиб олиниб, унга устки деталларнинг қалинлиги, қадолатни (таг чармни кўринадиган) эни ва ишлов бериш учун қўшимча қиймати қўшилади.[4]

$$\sum P = P_{\text{т}} + r + f,$$

бу ерда:  $\sum P$  - патакнинг контурига қўшиладиган қўшимча қийматнинг эни.

$P_{\text{т}}$  - давлат стандарт бўйича танаворнинг деталларини қалинлиги

$r$  - тайёр пойабзалдаги қадолат (тагликни кўринадиган қисми) ни эни.

ЦНИИКП тавсиясига биноан олинади.

$f$  - тагликка ишлов бериш учун қўшиладиган қиймат. Бу ўз навбатда

$f_{\text{к}} = f_{\text{мин}} = f_{\text{қўш}}$  га тенг, яъни

$f_{\text{мин}}$  - ишлов бериш учун минимал қиймат  $f_{\text{мин}} - 0,5-1,5$  мм;


$f_{\text{қўш}}$  - тагликни қўйишда ва ишлов беришда қўйиладиган хатоларни

ҳисобга олувчи қўшимча қиймат  $f_{\text{қўш}} = 0,5-4$  мм.

Танаворни деталларини қалинлиги  $P_{\text{т}}$  қуйидаги тенглама билан ҳисобланади.

$$P_{\text{т}} = \sum T_{\text{т}} \times K_3$$

$\sum T_T$  - тайер пойабзалдаги танавор материалларини қалинлиги (давлат стандартлари бўйича).  $K_3$  - зичланиш коэффициенти (яъни қолипга пойабзални тортганда материал чўзилиб зичланади). (5-расм).



5-расм. Тагликни қуриш тасвири.

А.А. Афанасьевнинг тавсиясига биноан  $K_3$  ни ўртача қиймати 0,75-0,9; ЦНИИКПни тавсиясига биноан тумшук қисмида  $K=0,5$ , товон қисмида  $K=0,7$  ва ахми қисмида  $K=0,5$ . Бу қийматлар тажриба йўли билан топилган.

Масалан: қуйидаги мисолда ( $P_T$ ) танаворнинг деталларини қалинлигини ҳисобга олинадиган қўшимча қийматни эркаклар пойабзалининг товон қисмининг орқа томони учун ҳисоби келтирилган[5].

Қалинлиги давлат стандарти

бўйича мм да

Ташқи орқа тасма (чармдан)	-----	0,8
Устки дастак (чармдан)	-----	0,7
Оралик астар (газмол)	-----	0,4
қаттиқ дастак (чарм,картон)	-----	2,2
Чарм астар	-----	0,6

Жами  $\sum T_T=4,7$

ЦНИИКПнинг тавсиясига биноан  $K_3 = 0,7$  бўлса. унда

$$\sum P_T * \sum T_T K_3 = 4,7 * 0,7 = 3,29 \text{ мм} = 3 \text{ мм};$$

$\sum P_T$  аниқланадиган кейин жадвалдан  $r=1,5$ мм олинади ва  $f$  танланади  $f_{\text{min}}=1,5$ ;  $f_{\text{қўш}}=2,5$  мм.


$$\sum \Pi = \sum \Pi_{r=f \text{ мин}} = f_{\text{кўш}} = 3 = 1,5 = 2,5 = 7 \text{ мм}$$

Олдиндан ишлов берилган тагликлар учун  $f$  кўш ҳисобга олинмайди. Тагликни қуриш учун бериладиган қийматлар патакнинг товон, тумшук, ахми, тутам қисмлари учун алоҳида ҳисобланади, чунки бу қисмларда деталларнинг сони ва қалинлиги ҳар хилдир. Бу қисмларнинг аниқ жойларини оёқ панжасининг узунлигига нисбатан аниқланади, яъни товон - 0,41 Lon; ахми - 0,4-0,6 Lon; тутам-0,6-0,8 Lon; ва тумшук - 0,8-1,0 Lon қисмлари учун  $\sum \Pi$  алоҳида ҳисобланади.

Шундай қилиб патакни контурини чизиб, ўқ чизиғини ўтказгандан; товон б ахми, тутам, тумшук қисмларини белгилаб олгандан кейин ҳар бир қисми учун алоҳида ҳисоблаб чиқилган. ЕП ни белгилаб лекала ёрдамида текис туташтирилади. Тилчалик тагликни лойиҳалашда тагликни ахми, тутам ва тумшук қисмлари юқорида келтирилгандек лойиҳаланади. Тилча эса пошнанинг фронтал контурига энг ками 12 мм кириб туриши керак.

#### 4.2.3. Қўйгич ва тўлдиргичларни қуриш.

Қўйгич ва тўлдиргичларни қуриш учун асосий патакни контурига тортиш баҳясини эни, елимлама ва михлама тортиш усулларида ёки қадолатли патак лабининг ички контури асос қилиб олинади. Қўйгич ва тўлдиргични қуриш учун асосий патакни контурини чизиб, унга тутам (панжа-кафт) чизиғи чизилади. Қўйгичнинг олд чизиғи, тутам чизиғига 8-10 мм етмайди, тўлдиргичнинг олд қисми эса қўйгичнинг олд қисмини 8-10 мм беркитиб (ёпиб) туради. Тортиш баҳясининг контури билан тўлдиргич ва қўйгичнинг ораси 1,5-2 мм бўлиши керак. (6-расм).[5]




6-расм. қўйгич ва тўлдиргичларни қуриш тасвири.

а- ранг усули учун, б- бошқа усуллари учун

#### 4.2.4. Ич патак, ярим ич патак ва товон ости ич патакларини куриш.

Ич патакни куриш учун, асосий патакнинг контури асос қилиб олинади. Ич патакнинг тумшук қисми асосий патакнинг контуридан 2-3 мм қисқартирилиб, ахми қисмининг ички контурига 3-4 мм, ташқи контурига 2,5-3 мм, товон қисмида эса 1,5-2 мм қўшимча берилиши керак. Ёзги очик ва тасмали пойабзаллар учун ҳам ички патак юқорида кўрсатилганидек курилади, фақат ички патакнинг тумшук ва товон қисмидаги контури, асосий патакнинг шу қисмлардаги контурига мос келади. (7-расм).



7-расм. Ич патак, яри ич патак ва товон ости ич патакларини куриш тасвири.

Ярим патак ва товон ости ич патаклари ҳам худди ич патакка ўхшаб курилади, фақат ярим ич патакнинг олд конутри тутам чизиғида ётади. Товон ости ич патакнинг узунлиги эса  $1/4 L_n = 10$  мм га тенг бўлади. Бу деталларнинг олд контурини текис, фигурали ёки бошқа исталган шаклда куриш мумкин.[7]

#### 4.2.5. Бикир дастакларни лойиҳалаш.


Бикир дастакларнинг тўзилиши, ўлчамлари, биринчи навбатда пойабзалнинг кўринишига ва пошнанинг баландлигига боғлиқ. Пошна қанча баланд бўлса, бикир дастакнинг қанотларини узунлиги шунча узун бўлади.[5]

Унинг баландлиги эса

$$B_3 = 0,15N = (8-9) \text{ мм}$$

каби тенглама ёрдамида топилади. Бикир дастакни куриш учун колипнинг ўртача нусхасини юқорида кўрсатилгандек координата

Ўқларида жойлаб, базис ва назорат чизиқларини чизгандан кейин, баландлигини қолипнинг ўртача нусхасини орқа контурига қўйиб Вд нуқтаси белгилаб олинади. Вд нуқтадан назорат чизиғига параллел чизиқ ўтказилади. Агар пойабзал паст пошнали бўлса, унда бикир дастакнинг канотларини узунлиги I базис чизиғигача, ўрта пошнали пойабзаллар учун II-III базис чизиқларини ўртасигача, баланд пошнали пойабзаллар учун III базис чизиғигача бўлади. Оғир пойабзаллар, яъни этиклар учун бикир дастак келтирилганидек қурилади. (8-расм).




8-расм. Бикир дастакни лойиҳалаш тасвири.

Тортиш баҳяси учун бериладиган қўшимча қиймат эса тагликни бириктириш усулларига қараб қуйидагича бўлади:[5]

**Тортиш баҳясини эни** \_\_\_\_\_ мм да  
 Елимлама усул ----- 15,0±0,5

#### 4.2.6. Тумшук остини қуриш.

Тумшук остини қуриш учун V базис чизиғидан бетликни контурини нусхаси қирқиб олиниб, шу контурга қисбатан тортиш баҳяси бўйича 3-4 ммга ён томонида 4-5 мм қисқартирилиб чизилади. (9-расм).[5]



9-расм. Тумшук остини қуриш турлари.

**5. Технология қисми**  
**5.1. Корхона ассортименти**  
**5.1.1. Ассортименти танлаш ва асослаш**

Лойиҳаланаётган корхонани пойабзал ассортиментини танлаймиз ва асослаймиз. Бунда қуйидагиларга эътибор беришимиз керак:[9]

-замонавий стил ва модага жавоб бера оладиган, қулай қолипда тайёрланадиган пойабзал конструкциялари ва моделларини яратамиз;

-қўлланаётган материаларни вазифасига ва мавсумга мос келиши, материалларни ассортиментини кенгайтирамыз;

-лойиҳаланаётган пойабзал конструкцияларини технологиявийлиги, пойабзал сифатини таъминлаган ҳолда юқори маҳсулдорликка, материал сарфини камайтиришга имкон яратадиган механизациялаштириш ва автоматлаштиришни қўлласа бўладиган янги ишлаб чиқариш технологик-ушуллари жорий қиламыз;

-массасини камайтирамыз ва лаёқатлигини купайтиришимиз ҳисобига пойабзални қулайлигини оширамыз;

-пойабзал конструкцияларини асосий бир жинслилигини сақлаган ҳолда ассортиментини кенгайтирамыз.

Корхонани танлаган ассортиментини маълумотлари 4-жадвалга ёзамиз.

Корхона ассортименти

4 – жадвал

№	Цех, смена, оқим	Пойабзал жинси ва тури	Қолип фасони	Бирлаштириш усули	Пойабзал материали	
					Устки қисми	Таг қисми
1	Цех 1	Резинали эркаклар қўнжсиз ботинкаси	912220	Елимли	Бузоқ чарми	ПВХ
	Смена А					
2	Цех 1	Қизлар туфлиси	512220	Елимли	Бузоқ чарми	Қаттиқ чарм
	Смена Б					
3	Цех 2	Эркаклар ботинкаси	942220	Елимли	Ярим тана	Полиуретан
	Смена А					
4	Цех 2	Болалар ботинкаси	342220	Елимли	Ярим тана	Резина
	Смена Б					
5	Цех 3	Ўғил болалар этиги	742220	Елимли	Тана	Полиуретан
	Смена А					
6	Цех 3	Мақтаб ёшидаги	442220	Елимли	Тана	Полиуретан
	Смена Б					

		қизлар этиги				
--	--	--------------	--	--	--	--

Изоҳ: Корхона ассортиментини пойабзал жинси қолип фасонининг бириктириш усули ва пойабзални устки ва таг деталларини материалларини эътиборга олишимиз керак.

### 5.1.2. Ўлчам-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.

Пойабзални одамларни жинси ва ёшига қараб ўлчам тўлалик ассортиментда тўғри тақсимлаймиз, бир хил пойабзал бошқаларига нисбатан тез сотилиб кетиб, тақчил бўлиб қолишни олдини оламиз [9].

Ўлчам-тўлалик ассортиментини қуйидаги маълумотларга асосланиб ҳисобланади:

- шу ўлкадаги аҳолини оёғини ўлчамини ўртача узунлиги;
- пойабзални ўртача ўлчами;
- ҳозирги пайтда қўлланаётган пойабзал ўлчамларини туманлар бўйича ўлчамлар шкаласи (Вазирликни 299-буйруғи 09.08.82).

Ўлчам-тўлалик ассортименти ҳар бир буюм учун ҳисобланиб натижалари 5-жадвалга ёзамиз.

### Ўлчам-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.

5 – жадвал

#### 1. Резинали эркаклар қўнжсиз ботинкаси

Пойабзал ўлчами	Метрик система											Ўртача ўлчам
	245	250	255	260	265	270	275	280	285	290	295	
Пойабзал размери												263,3
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	5,5	10	14,5	18	17,4	14,5	9	4,5	4	2	0,5	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	5	11	19	29	35	34	27	17	9	9	4	200
Ўрта 30%	1	3	6	9	10	10	8	5	3	3	1	
Тўла 60%	2	6	12	18	20	20	16	10	6	6	2	
Топ 10%	1	1	2	2	2	2	2	1	1	1	1	

## 2. Қизлар туфлиси.

Пойабзал ўлчами	Метрик система			Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	230	235	240	234,9
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	33,5	34,5	37,0	100
ўлчамларни тақсимланиши	67	69	64	200
Тўлалик ассортименти				
Ўрта 30%	20	21	19	
Тўла 60%	40	42	38	
Топ 10%	7	7	16	

## 3. Эркаклар ботинкаси

Пойабзал ўлчами	Метрик система											Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	245	250	255	260	265	270	275	280	285	290	295	263,3
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	5,5	10	14,5	18	17,4	14,5	9	4,5	4	2	0,5	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	5	11	19	29	35	34	27	17	9	9	4	300
Тўлалик ассортименти												
Ўрта 30%	1	3	6	9	10	10	8	5	3	3	1	
Тўла 60%	2	6	12	18	20	20	16	10	6	6	2	
Топ 10%	1	1	2	2	2	2	2	1	1	1	1	

## 4. Болалар ботинкаси

Пойабзал ўлчами	Метрик система								Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	170	175	180	185	190	195	200	184,3	
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	15,5	15,5	15,0	14,5	13,5	12,0	13,5	100	
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	46,5	46,5	45	43,5	40,5	36	40,5	300	
Тўлалик ассортименти									
Ўрта 30%	13,95	13,95	13,95	13,0	12,15	10,8	12,1		
Тўла 60%	27,9	27,9	27	26,0	24,3	21,6	27,2		
Топ 10%	4,6	4,6	4,5	4,3	4,0	3,6	4,0		

## 5. Ўғил болалар этиги.

Пойабзал ўлчами	Метрик система			Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	230	235	240	235,3
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	31,0	32,0	37,0	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	93	96	111	300
<b>Тўлалик ассортименти</b>				
Ўрта 30%	28	29	33	
Тўла 60%	56	58	67	
Топ 10%	9	10	11	

#### 6. Мактаб ёшидаги қизлар этиги

Пойабзал ўлчами	Метрик система					Ўртача ўлчам
Пойабзал размери	205	210	215	220	225	216,0
100 жуфтга ўлчамларни тақсимланиши, %	15,5	18,5	20,5	22,5	23,5	100
Смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши	46	55	61	67	71	300
<b>Тўлалик ассортименти</b>						
Ўрта 30%	14	16	18	20	21	
Тўла 60%	28	32	36	40	42	
Топ 10%	5	5	6	7	7	

Изоҳ: Размер тўлалик ассортиментини ҳисоблаганимизда пойабзал ўлчамини метрик тизимда, юз жуфтга ўлчамларини ва смена топшириғига ўлчамларни тақсимланиши ва тўлалик ассортиментини 3 та тўлаликда ҳисоблаймиз.

#### 5.1.3. Лойиҳаланаётган буюмни техник тавсифи.

### **Модел паспортини тузиш.**

Битирув малака ишимни тушинтириш ёзувида пойабзални техник тавсифида пойабзални жинси, тури, бирлаштириш усули, устки ва таг деталларини материали, қолип фасони, пошнани баландлиги, артикули, ДАСТи келтирамиз[12]. Пойабзални расмини чизамиз.

Тановарни конструктив хусусиятлари, деталларни қирғоғига ишлов бериш тавсифи, безаклари ҳақида маълумот ва таг деталларни конструктив хусусиятларини ёзамиз.

Пойабзал конструкциясини тавсифлаб, ёзилган маълумотлар асосида қабул қилинган ассортиментдаги ҳар бир пойабзал моделига паспорт тузамиз.

### **1 - Модел паспорти**

1. Пойабзал тури – кўнжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – эркаклар
3. Қолип фасони – 912220
4. Бириктириш усули – елимли
5. Устки материали – бузоқ чарми
6. Таглик материали – ПВХ
7. Пошна баландлиги – 20 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 19116-84
10. Тановор конструкцияси – деталларни кўринадиган қирғоғи букиб ишлов берилади

6 - жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Бузоқ чарми	1,1	939-84
2	Дастак	4	Бузоқ чарми	1,1	939-84
3	Бетлик астари	2	Тик-саржа	0,5	19169-84
4	Дастак астари	4	Қўй чарми	0,8	940-84
5	Тилча астари	2	Қўй чарми	0,8	940-84
6	Бетлик оралик астари	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
7	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
8	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
9	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	2,2	17-22-85
10	Ички патак	2	Қўй чарми	0,8	940-84
11	Асосий патак	2	Қаттиқ чарм	2,2	1010-84
12	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,0	17-112-84
13	Тўлдиргич	2	Картон П-1	2,2	17-21-94-84
14	Таглик	2	ПВХ	20,0	-

## 2-Модел паспорти

1. Пойабзал тури – туфли
2. Пойабзал жинси – қизлар

3. Қолип фасони – 512220
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материалы – бузоқ чарм
6. Таглик материалы – қаттиқ чарм
7. Пошна баландлиги – 40 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 19116-84
10. Тановор конструкцияси – деталларни кўринадиган қирғоғи букиб ишлов берилади.

6- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
2	Гулчин	2	Бузоқ чарм	1,1	939-84
3	Бетлик астари	2	Тик-саржа	0,5	19169-84
4	Гулчин астари	4	Қуй чарм	0,8	940-84
5	Бетлик оралик астар	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
6	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
7	Ички патак	2	Қуй чарм	0,8	940-84
9	Тумшуқ ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
10	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
11	Асосий патак	2	Қаттиқ чарм	2,2	1010-84
12	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,2	17-112-84
13	Тўлдиргич	2	Картон П-1	2,2	17-21-94-84
14	Таглик	2	Қаттиқ чарм	3,2	1010-84
15	Пошна	2	Пластмасса	20,0	-

### 3-Модел паспорти

1. Пойабзал тури –ботинка
2. Пойабзал жинси – эркаклар
3. Қолип фасони – 942220
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материалы – ярим тана

6. Таглик материали – полиуретан
7. Пошна баландлиги – 20 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 26167-84
10. Тановор конструкцияси – оёқ кафтида чакмоқ-занжир ёрдамида махкамланади .

6- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Овал бетлик	2	Ярим тана	1,2	939-84
2	Бетлик деталли	4	Ярим тана	1,2	939-84
3	Дастак	6	Ярим тана	1,2	939-84
4	Орқа ташқи тасма	2	Ярим тана	1,2	939-84
5	Клапан	2	Ярим тана	1,2	939-84
6	Асосий астар	4	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
7	Чарм астар	2	Қуй чарм	0,8	940-84
8	Лавшар	2	Қуй чарм	0,8	940-84
9	Бетлик оралик астар	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
10	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
11	Ички патак	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
12	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
13	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
14	Асосий патак	2	Чарм картон С-1	2,4	17-112-84
15	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,2	17-112-84
16	Тўлдиргич	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
17	Таглик	2	Полиуретан	10,0	21-294-84

#### 4-Модел паспорти.

1. Пойабзал тури –ботинка
2. Пойабзал жинси –болалар
3. Қолип фасони – 342220
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материали – ярим тана
6. Таглик материали – резина
7. Пошна баландлиги – 20 мм

8. Артикул – шартли

9. ДАСТ – 26167-84

10. Тановор конструкцияси – деталларни кўринадиган қирғоги кесиб, буяб ишлов берилади

6- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	Бетлик	2	Ярим тана	1,2	939-84
2	Тумшук ости	2	Ярим тана	1,2	939-84
3	Тилча	2	Ярим тана	1,2	939-84
4	Дастак	4	Ярим тана	1,2	939-84
5	Орқа ташқи тасма	2	Ярим тана	1,2	939-84
6	Бетлик астари	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
7	Тилча астари	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
8	Дастак астари	4	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
9	Чарм астар	2	Қуй чарм	0,8	940-84
10	Пистон ости	2	Қуй чарм	0,8	940-84
11	Бетлик оралик астар	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
12	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
13	Ички патак	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
14	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
15	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
16	Асосий патак	2	Чарм картон С-1	2,4	17-112-84
17	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,2	17-112-84
18	Тўлдиргич	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
19	Таглик	2	Резина	10,0	21-294-84
20	Пошна	2	Резина	10,0	21-294-84

### 5-Модел паспорти.

1. Пойабзал тури – этик
2. Пойабзал жинси –ўғил болалар
3. Қолип фасони – 742220
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материали –тана
6. Таглик материали – полиуретан
7. Пошна баландлиги – 20 мм

8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 26167-84
10. Тановор конструкцияси – оёқ кафтида чақмоқ-занжир билан маҳкамланади

6- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	Бетлик	2	Тана	1,2	939-84
2	Дастак	4	Тана	1,2	939-84
3	Кўнж	6	Тана	1,2	939-84
4	Асосий астар	4	Сунъий мўйна	5,0	17-09-183-86
5	Чарм астари	2	Кўй чарми	0,8	940-84
6	Лавшар	2	Кўй чарм	0,8	940-84
7	Бетлик оралик астари	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
8	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
9	Ички патак	2	Сунъий мўйна	5,0	17-09-183-86
10	Тумшук ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
11	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	1,9	17-22-85
12	Асосий патак	2	Чарм картон С-1	2,4	17-112-85
13	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,2	17-112-85
14	Тўлдиргич	2	Сунъий мўйна	5,0	17-09-183
15	Таглик	2	Полиуретан	20,0	17-21-115-84

### 6 - Модел паспорти

1. Пойабзал тури – этик
2. Пойабзал жинси – мактаб ёшидаги қизлар
3. Қолип фасони – 542220
4. Бириктириш усули – елимлама
5. Устки материали – тана
6. Таглик материали – полиуретан
7. Пошна баландлиги – 20 мм
8. Артикул – шартли
9. ДАСТ – 26167-84

10. Тановор конструкцияси – деталлари ясси, деталларни қирғоғи қирқиб ишлов берилади.

6- жадвал

№	Деталлар номи	Жуфт-даги сони	Материаллар номи	Тайёр пойабзалдаги қалинлиги (мм)	ДАСТ ёки ТШ
1	2	3	4	5	6
1	Бетлик	2	Тана	1,1	939-84
2	Дастак	4	Тана	1,1	939-84
3	Қунж	6	Тана	1,1	939-84
4	Қўнж детали	2	Тана	1,2	939-84
5	Асосий астар	4	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
6	Чарм астар	2	Қуй чарми	0,8	940-84
7	Лавшар	6	Қуй чарми	0,8	940-84
8	Бетлик оралик астар	2	Бўз	0,5	17-21-92-84
9	Дастак оралик астари	4	Бўз	0,5	17-21-92-84
10	Ички патак	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
11	Тумшуқ ости	2	Термопласт	1,2	17-21-592-87
12	Бикр дастак	2	Чарм картон 3-1	2,2	17-22-85
13	Асосий патак	2	Чарм картон С-1	2,4	9542-84
14	Ярим патак	2	Чарм картон С-1	2,2	17-112-84
15	Тўлдиргич	2	Сунъий муйна	5,0	17-09-183-86
16	Таглик	2	Полиуретан	10,0	17-21-115-84

### **5.2. Материалларни бичиш ва қирқиш технологик жараёнларини тузиш ва асослаш. Жихоз танлаш.**

Материалларни бичиш ва (қирқиш)ни технологик жараёнини чарм буюмлар ишлаб чиқариш технологик жараёнларини лойиҳалаш услуги ва ишлаб чиқариш тажрибаларга асосланиб тузамиз.

Бичиш (қирқиш) технологик жараёнларини бичиладиган материални турига қараб тузилади. Бичиш (қирқиш) усулини асослаб бериш керак. Бунда материални баъзи турлаини бичиш схемасига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Жихоз танлашда машинани универсал, маҳсулдор ва кичик ўлчамли эканлигига эътибор беришимиз керак.

Материалларни бичиш ва қирқиш технологик жараёнини 7-жадвал кўринишида кўрсатамиз.

**Материалларни бичиш ва (қирқиш)ни технологик жараёни.**

7-жадвал

№	Жараёнларни номи	Жараёнлар мазмуни	Қўлланиладиган жиҳозлар	Ёрдамчи материаллар ва асбоблар
1	2	3	4	5
<b>1. Устки деталларни бичиш (чарм)</b>				
1	Чармларни қабул қилиш	Устки деталларни бичиш учун чармларни турли майдони, ўрамдаги донаси, физик-механик ва кимёвий хусусиятлари бўйича текширилади	Арава, стеллаж	-
2	Бичувчига топшириқ тузиш	Бичувчига топшириқни ҳар бир ишлаб чиқарилган партия ва ҳар бир бичувчига ишлатиш меъёри ва уларга бўлган талаблар бўйича тузилади. Бунда деталларни тури, жинси ва ўлчами эътиборга олинади.	Стол	Қалам, калькулятор, оқ қоғоз
3	Бичиш учун ишлаб чиқарилган чармларни партияларини танлаш	Чармларни партиясини бир хил юзадаги ва бир хил хусусиятдаги танланади ва бир хил турдаги, навдаги, рангдаги, вазифадаги чиройли кўринишидаги ва нуқсонлари кам бўлган чарм танланади.	Стол	Қалам, оқ қоғоз
4	Пойабзални устки ва астарлик деталларини бичиш	Ўртача ва катта ўлчамда бўлган чармларни деталларини паралеллограмм жойлаштириш принципи бўйича бичилади, кичик майдондаги чармларни гардони иккала томонига деталларни симмерик жойлаштириб бичилади.	ПВГ-8-2-О ПКП-10 ПКП-16	Кескичлар, плита

5	Деталларни сифатини текшириш	Деталлар техник сифатларини хамма талабларга тўла жавоб бериши керак	Стол	ТШ
6	Деталларни тамғалаш	Бичишда бичилган кескичларни ишлатиш керак, корхонани маркаси, пойабзални ўлчами, тўлалиги, модели киритилади.	КДВ-1-О	Тамғалар тўплами, бўёқлар
7	Деталларни комплектлаш ва йиғув цехига бериш	Бичилган устки деталларни чарм ва тўқимачилик астарлар билан жамланади ва ўрамларга ўлчам бўйича боғланади. Бичилган деталларни йиғув цехига берилади	Стол	Шпогот, қайчи, қалам:
8	Қийқимларни бичиш ва айириш	Асосий деталларни бичгандан сўнг қийқимларни чармларни тури, ранги ва ишлатилиши бўйича майда деталларни бичиш учун айрилади	ПВГ-8-2-О	Кескич
9	Чиқиндиларни йиғиштириш ва омборга топшириш	Қирғоқ ва моделлараро чиқиндиларни йиғиштирилади, вазминлиги бўйича ўлчанади, боғлаб омборга топширилади	Стол	Торози, ип, қалам, дафтар
<b>Тўқимачилик материалларни астарлик ва оралик астарлик деталларга бичиш</b>				
1	Тўқима материалларни қабул қилиш	Танланган материаллар қабул қилинади. Цехга беришдан олдин рулонлар сони, рулонларни қийқимлар метри ва кенлиги текширилади ва қабул қилинади. Материалларни сақлаш $t=15\div 20$ , ҳавонинг намлиги 60-70%	Стол	Чизғич, ўлчаш лентаси, термометр

2	Материалларни бичиш учун бичувчига топширик тузиш.	Ҳар бир кўп қаватли материал ёки ҳар бир ишлаб чиқарилган партия учун топширик тузилади.	Стол	Қалам, оқ қоғоз, калькулятор.
$T_{\text{пр}}$ -ишлаб чиқариш таннархи ва сотиш нархи бўйича маҳсулот чиқариш ҳажми.

Сотилган маҳсулот ҳажми икки баҳода сотиш нархи ва ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобланганда сотишдан фойда нарх ва таннарх орасидаги фарқ билан аниқланади. Фойданинг режали миқдорини ҳам маълум режалаштирилаётган йилнинг боши ва охирига тайёр

маҳсулотнинг қолдиғи ва товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннархи ҳамда нарх ва нарх кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳисоблаш мумкин. Формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Pr = Pон + Pt - Pос$$

Бу ерда:

Pr- режалаштирилаётган даврдаги маҳсулот сотишдан келган фойда.

Pон, Pос – режалаштирилаётган давр боши ва охирига бўлган тайер маҳсулот қолдиғидан фойда.

Pт – режалаштирилаётган даврда товар маҳсулоти чиқаришдан фойда.

Кўп ҳажмда ассортимент маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхоналар фаолиятида фойдани режалаштирилаётган йилга аналитик усулида ҳисобланади. Бу усул нарх ва таннархнинг инфляцион ўсишидан ташқари ишлатилади.

Аналитик усул билан фойдани ҳисоб-китоб қилишда солиштириладиган ва солиштирилмайдиган товар маҳсулот бўйича фойда алоҳида ҳисобланади. Базис йилда ишлаб чиқариладиган солиштириш мумкин бўлган маҳсулот режалаштирилаётган йилга мос келади. Шунинг учун унинг бутун таннархи ва ишлаб чиқариш ҳажми маълум. Бу маълумотларга асосланиб баъзис рентабелликни аниқлаш мумкин.

$$Po = (Po : Cтп) * 100 \%$$

Бу ерда : Po-кутилаётган фойда

Cтп- базис йилдаги товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннархи.

Аналитик усулда фойда қуйидаги тартибда ҳисобланади:

1. Базис рентабеллиги ёрдамида базисни таннарх бўйича режалаштирилаётган йилдаги товар маҳсулот ҳажмига нисбатан режалаштирилаётган йил даромади ҳисобланади.

2. Режалаштирилаётган йилдаги маҳсулот таннархи ўзгариши ҳисобланади.

3. Маҳсулот сорти, сифати, ассортиментни ўзгаришлари аниқланади. Бундай ҳисоб-китоблар махсус жадвалларда бажарилиб маҳсулот сифати, сорти, ассортиментни тўғрисидаги режали маълумотларга асосланади.

4. Режалаштирилаётган йилга тайер маҳсулотни нархи шакллангандан сўнг нарх ошиши таъсири аниқланади.

5. Барча қайд этилган омиллар миқдори кўшилади. Режалаштирилаётган йилнинг солиштириш мумкин бўлган товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдан фойда биринчи ва кейинги босқичларда фойда ва ажратмаларни ҳисоблаш билан аниқланади.

6. Кейинги режалаштирилаётган давр боши ва охирига тайер маҳсулотни сотилмаган қолдиқларидаги даромад (фойда) ўзгаришлари ҳисобланади.

7. Янги ўзлаштирилаётган маҳсулот бўйича таннарх калькуляцияси ва рентабеллиги асосида фойда олиш имконияти ҳисобланади.

Корхона соф даромади сифатида фойда унинг хўжалик фаолияти жараенида шаклланади ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишнинг сотилиши натижасида юзага келади. Унинг миқдори корхона иш якунларига, ҳамда жалб этилган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Корхоналарда соф фойданинг тақсимланишининг хусусияти шундаки, бунда корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобига турли хил захира фондлари ташкил этилади. Корхона захира фондига фойдадан ажратмалар 10% дан кам бўлмаслиги, лекин устав капитали тўланган қийматининг 25 % идан кўп бўлмаслиги лозим. Захира фондига тортиладиган фойданинг 50 %идан ортмаслиги лозим, ажратмалар миқдори ҳиссадорлар умумий мажлиси қарорига асосан аниқланади, бироқ унинг қиймати солиққа захира фондига йиллик ажратмалар унинг қиймати уставда белгиланган даражага эришгунга қадар ажратиб турилади.

Захира фондлари ва бошқа фондлар ташкил этилиши корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси унинг қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар тўлаши учун етмаслиги оқибатида кўриладиган зарарларни қоплашга қаратилган.

Турли тоифадаги қимматли қоғозларни муомилага чиқаришда акциядорлик жамиятлари қатъий мақсадларга қаратилган турли захира фондларини ташкил этадилар. Бироқ, мазкур захиралар маблағларини корхонанинг хўжалик оборотида пул маблағлари кўринишида ушлаб туришлари шарт эмас, лекин бу маблағлар доимо бирор-бир ликвидли шаклда: банк депозитлари ёки сертификатлар кўринишида бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ бўладиган ҳамда соф фойда ҳисобига молиялаштириладиган харажатларга акция ва облигацияларни муомилага чиқариш ҳамда сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Жамғаришга ажратиладиган фойданинг бир қисми корхона устав капиталини кўпайтириш учун ёки шўъба корхона низом капиталига бадал сифатида ажратилиши мумкин.

Агар корхона уставида тасдиқланган бўлса, фойданинг бир қисми корхона ходимлари ўртасида пул мукофоти ёки акциялар кўринишида рағбатлантириш учун тақсимланиши мумкин.

Корхона фойдасининг инвестиция қилинувчи ва дивидендга тақсимланиш жараени молиявий режалаштиришнинг муҳим масаласидир, чунки айнан ана шундан корхонанинг ривожланиши ва унинг келгусида дивидендлар тўлаш имконияти келиб чиқади. Реклама мақсадларида тўланадиган нисбатан юқори дивидендлар корхона асосий капитали «йўқолишига» олиб келади. Шунинг билан бир вақтда дивидендларнинг тўланмаслиги корхона акциялари бозор курсининг пасайишига олиб келади ва келгусида уларни муомилага чиқариш ва сотишда муаммоларга олиб келади. Дивидендларни реинвестициялаш ҳақидаги қарор етарлича асосланган бўлмоғи ва келгусида катта фойда олишни кафолатлаши лозим. Маълум маънода бу тадбир хўжалик субъекти бўлиши корхонага нисбатан қулай ва манфаатлидир, чунки дивиденд сифатида тўланмаган фойданинг бир қисми фойда солиғига тортилмайди, шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшимча молиявий ресурслар манбаи

вужудга келади. Бундан ташқари, бу шароитда янги акцияларни чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ортиқча харажатлар ҳам бўлмайди.

**Рентабеллик** қаерда пул кўп фойда келтирса, унинг шу ерга қўйилишини билдиради. Аммо пул эгаси оз бўлсада кафолатланган даромад топмоқчи бўлса, пулини рентабеллиги паст, аммо бежавотир фойда берувчи соҳага ёки тезда кўп даромад топмоқчи бўлса, рентабеллиги юқори бўлган, лекин хатарли соҳага қўйиши мумкин.

Тадбиркорлик учун фойданинг мутлақ миқдори- массаси ҳам муҳимдир. Фойда массаси **рентабеллик** даражасига қўйилган пул (капитал) миқдорига ва капитални айланишига боғлиқ. Агар рентабеллик қанча юқори бўлса ва қўйилган пул қанчалик кўп бўлса фойда массаси шунчалик кўп бўлади.

Агар рентабеллик корхона пулининг нақадар самарали ишлатилишини кўрсатса, фойда массаси унинг иқтисодий қудратини ифодалайди.

Фойда унинг топишида ким қандай ҳисса қўшганлигига қараб тақсимланиб, ўзлаштирилади. Бу ишда пул эгалари ўз капитали, ишчилар меҳнати, тадбиркорлар ишбилармонлиги билан қатнашадилар. Шу сабабли улар фойдани бўлиб оладилар.

Фирма ва компанияларнинг фаолиятини якуни рентабеллик- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичида ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган фойда хажмини белгилайди. Жаҳон тажрибасида рентабелликни «молиявий соғломлик» деб қабул қилинган ва уни аниқлашда кўп кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Хар бир кўрсаткич маълум мазмун бериб, рентабеллик ҳақидаги маълумотни тўлдиради.

Иқтисодий адабиётларда рентабелликни аниқлашнинг қуйидаги йўллари келтирилган:

$$\text{1. Мол-мулкнинг рента - беллиги} = \frac{\text{Йилнинг соф фойдаси (Шакл-№2)}}{\text{Балансининг жами (Шакл-№1)}}$$

$$\begin{aligned}
2. \text{ Махсулот (иш, хизмат)лар сотиш буйича рентабеллик} &= \frac{\text{Сотишдан тушган соф соливий натижа (Шакл-№2)}}{\text{Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чикариш таннархи (Шакл-№2)}} \\
3. \text{ Соф рентабеллик} &= \frac{\text{Йилнинг соф фойдаси (Шакл-№2)}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум (Шакл-№2)}} \\
4. \text{ Умумий рентабеллик} &= \frac{\text{Йилнинг соф фойдаси (Шакл-№2)}}{\text{Асосий воситаларнинг + Ишлаб чикариш йиллик уртача киймати захираларининг йиллик уртача киймати (Шакл-№1)}} \\
5. \text{ Узига карашли капиталнинг рентабеллиги} &= \frac{\text{Йилнинг соф фойдаси (Шакл-№2)}}{\text{Узлик маблаглар манбаси (Шакл-№1)}} \\
6. \text{ Асосий воситаларнинг эскириш киймати рентабеллиги} &= \frac{\text{Йилнинг соф фойдаси (Шакл-№2)}}{\text{Асосий воситаларнинг эскириш киймати (Шакл-№1)}} \\
7. \text{ Битта акциянинг рентабеллиги} &= \frac{\text{Йилнинг соф фойдаси (Шакл-№2)}}{\text{Муомаладаги акциялар сони (Шакл-№5)}}
\end{aligned}$$

Рентабелликни ўрганишни янада тўлдирувчи қўшимча кўрсаткичлари ҳам мавжуд, булар қуйидагилар:

$$\begin{aligned}
\text{А) Соф тушум даража} &= \frac{\text{Амортизация ажратмаси + Соф фойда}}{\text{Жами тушум}} \\
\text{Б) Янгидан яратилган киймат даража} &= \frac{\text{Ялпи даромад}}{\text{Таннарх ёки тушум}} \\
\text{В) Активларнинг айла- ниши} &= \frac{\text{Жами тушум (солик айрилади)}}{\text{Баланснинг жами}} \\
\text{Г) Узок муддатли мо- лявий жамгармалар рентабеллиги} &= \frac{\text{Кийматли коғозлардан ва хамкорликда катнашишдан даромад}}{\text{Узок муддатли моливий жамгармалар}}
\end{aligned}$$

Бу кўрсаткичларни ўрганиш фирма ва компанияларнинг рентабеллик даражаси, иқтисодий самарадорлиги, қўшимча олинган қиймат ва жамғармалардан оқилона фойдаланганлигини баҳолашга ёрдам беради.

Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- корхонанинг молиявий натижаларининг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши;

- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;

- корхонанинг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- корхонанинг сой фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;

- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш ва ҳакозолар.

Корхоналарнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан шаклланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Корхоналарда таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқариш учун лойиҳалаштирадиган бизнес-режасида фойда ва рентабелликни режалаштирамиз.

Корхона асосан ишлаб чиқарадиган маҳсулот турига қараб республика миқёсидаги улгуржа ва чакана бозорларидан турли хил табиий чарм, мўйна, кигиз, намат, замш (бахмал чарм), лайка (майин тери), балиқ териси, тикувчилик ва атторлик буюмлари, жилдлаш ва қоплаш мақсадларидаги буюм учун юмшоқ сунъий чармларни, ҳамда пойафзалларнинг резина таглиги, ички қисмлари учун қаттиқ сунъий чарм, газмол, аралаш матоли, миллий, ортопедик пойафзаллар ва тагчарми чарм, чарм ўрнини босувчи материаллар, иплар, патак, замог ва шу каби пойабзал ишлаб чиқариш соҳаси хом-ашёсини сотиб олиб, тайёр оёқ кийимлар тикиб чиқаради. Бозорда маркетинг тадқиқотларини олиб бориб - рақобатбардош корхоналарни маҳсулотларини таҳлил қилиш асосида, бозордаги таклиф ва талабни чуқур ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришга,

аҳолини шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириб боришга асосланган.

Қуйида ботинканинг технологик жараёнларини лойиҳалашда хомашё ва материалларни камайтирилди, самарадорлиги аниқланди. Бу кўрсаткичларни қуйидаги жадвал ёрдамида ҳисоб-китоб қилиб кўриб ўтамиз.

### Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Бир ойлик ишлаб чиқариш миқдори, дона	Бир йиллик ишлаб чиқариш миқдори, дона
Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкаси	Дона	1 800	21600

Корхона бир ойда 1800 та ботинка ишлаб чиқаришни, бир йилда эса 21600 та ботинка ишлаб чиқаришни режалаштирган. Маҳсулот ишлаб чиқаришда унга бир неча турдаги хомашё сарф қилади. Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкасини тайёрлаш учун сарфланадиган жами харажатлар қуйидагича ҳисобланади.

### Маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойлик ва бир йиллик сарфланадиган хом-ашё харажатлари

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи	Бир дона маҳсулот тайёрлаш учун сарф миқдори, сўм	Бир ойлик сарф харажат, сўм	Бир йиллик сарф харажат, сўм
“Мокасин” туридаги ўғил болалар кўнжсиз ботинкаси	33 000,0	59 400 000,0	712 800 000,0

Жадвал маълумотларидан маълумки, корхона бир ойда маҳсулот ишлаб чиқариш учун 59,4 млн сўм, бир йилда эса 712,8 млн сўм хомашё харажатларини қилади.

Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришда энергия таъминоти ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ресурссиз ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бир ойда 8 200 кВт электр энергияси

сарфлайди. Таҳлилиминини қуйидаги жадвал маълумоти асосида давом эттирамин.

#### Ушбу харажатни қуйидаги жадвалда кўриб ўтамиз:

№	Коммунал харажат номи	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Бир ойлик сарф харажат миқдори, кВт	Бир ойлик сарф харажат, сўм	Бир йиллик сарф харажат, сўм
1	Электр энергия	кВт	155,0	8 200	1 271 000,0	15 252 000,0

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойда 1,27 млн сўмлик, бир йилда 15,2 млн сўмлик электр-энергияси сарф қилади. Шунингдек, корхонада ишлаётган ходимларни иш ҳақлари билан таъминлаб борилади. Ишчи-ходимлар учун бериладиган иш ҳақи кўрсаткичини қуйидаги жадвал ёрдамида ёритиб ўтамиз.

#### Корхона ходимлари бирлиги ва ойлик иш ҳақлари

№	Лавозими	Ставка	Ойлик иш ҳақи, сўм
1.	Раҳбар	1	1 200 000
2.	Бухгалтер	1	800 000
3.	Упаковчик	1	800 000
4.	Бичувчи – конструктор	2	2 000 000
5.	Тикувчи- технолог	4	4 000 000
6.	Сотувчи	1	800 000
Жами:		10	9 600 000

Жадвал маълумотларидан маълумки, корхонада жами 10 та штат бирлиги бўлиб, улар - раҳбар, бухгалтер, упаковщик, бичувчи конструктор, тикувчи-технолог, сотувчилардан иборат. Жами ишчи ходимларга бир ойда 9,6 млн сўм ойлик маош берилади.

Корхонада ишлаб чиқарилган таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкаси реализациясидан корхона қуйидагича ойлик ва йиллик тушум қилади.

#### Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ҳажми

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Бир ойда тайёрланган маҳсулот миқдори, дона	Бир ойлик тушум, сўм	Бир йилда тайёрланган маҳсулот миқдори, дона	Бир йиллик тушум, сўм
---------------	---------------	------------	---	----------------------	--	-----------------------

Таглиги резинадан тайёрланган резинали эркаклар	ПВХ	Дона	65 000,0	1 800	117 000 000,0	21 600	1 404 000 000,0
--	-----	------	----------	-------	---------------	--------	-----------------

Корхона бир ойда 117,0 млн сўмлик, бир йилда 1 404,0 млн сўмлик маҳсулот сотишдан тушум кўради. Ушбу корхонани маҳсулот сотишдан тушган тушум таркибида ялпи фойда бўлиб, у қуйидагича шаклланган

### Корхона фойдасини шаклланиши

№	Харажат номи	Бир ойда, сўм	Бир йилда, сўм
1	Хом ашё	59 400 000,0	712 800 000,0
2	Электр энергия харажатлари	1 271 000,0	15 252 000,0
3	Кўзда тутилмаган ва транспорт харажатлар	200 000,0	2 400 000,0
4	Маҳсулот тикиш учун меҳнат ҳақи	9 600 000,0	115 200 000,0
5	Ишлаб чиқариш таннари	70 471 000,0	845 652 000,0
6	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотишдан тушган тушум	117 000 000,0	1 404 000 000,0
7	Фаолиятдан кўрилган ялпи фойда	46 529 000,0	558 348 000,0

Жадвал маълумотларидан маълумки, корхонанинг ялпи фойдаси бир ойда 46,0 млн сўмга, бир йилда эса 558,3 млн сўмга тенг бўлади. Бу кўрсаткич корхонани таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришга қилинган –хомашё, электр энергияси, транспорт, меҳнат ҳақи ва бошқа кўзда тутилмаган харажатларнинг жамини маҳсулотни сотишдан кўрилган тушумдан айирмасига тенгдир.

### Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини сотишдан кўрадиган даромад

(сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллик
Ялпи тушум	1 404 000 000,0
Харажат	845 652 000,0
Ялпи фойда	558 348 000,0

Корхона кўрган ялпи фойдадан соф фойда шаклланиб, рентабеллик кўрсаткичини аниқлашимиз мумкин.

**Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот**

(сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Йиллик
1.	Маҳсулот сотишдан ялпи тушум	1 404 000 000,0
2.	Ишлаб чиқариш таннари	845 652 000,0
3.	Ялпи фойда	558 348 000,0
4.	Солиқ тўлови	27 917 400,0
5.	Соф фойда	530 430 600,0
6.	Сотиш рентабеллик,%	39,76
7.	Ишлаб чиқариш рентабеллиги,%	62,72

**Сотиш рентабеллиги**

$$P=(ЯФ/ЯТ)*100 \% = (558\ 348\ 000,0 / 1\ 400\ 000\ 000,0) * 100 \% =39,76 \%$$

**Ишлаб чиқариш рентабеллиги**

$$P=(СФ/ИЧХ)*100 \% = (530\ 430\ 600,0 / 845\ 652\ 000,0)*100 \% = 62,72 \%$$

Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини технологик жараёнларини иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди. Кўрсаткичларга кўра, йил якунида корхонанинг соф фойдаси 530 430 600,0 сўмга тенг бўлади, сотиш рентабеллиги 39,76 фоизга, ишлаб чиқариш рентабеллиги 62,72 фоизга етади.

Демак, ҳисоб-китобларга кўра таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқариш бизнес-режасида режалаштирилган фойда ва рентабеллик ўзини оқлайди.

## **7. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ.**

### **7.1. Саноат корхоналарида шовқиндан сақланиш ва унга қарши кураш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.**

Ҳозирги замон техника тараққиёти даврида саноат корхоналарида шовқинга қарши кураш масалалари муҳим муаммолар қаторига киради. Бу асосан машинасозлик саноатида транспорт воситаларини ишлатишда ва энергетика саноатида жуда жиддий муаммо бўлиб турибди.

Шовқиннинг оқибатлари маълум. У биринчи навбатда ишлаб-чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни маънавий толиқтиради, шовқин чиқарувчи машиналарни ишлатаётган ишчилар ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқараётган операторлар ишига халал бериб, уларни ҳар хил хатоликларга йўл қўйишларига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жароҳатланишлари келиб чиқишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Катта шовқин таъсирида инсоннинг асаб тизимлари зирқиллайди, эшитиш фаолияти сусайиб кетади.

Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида шовқинни камайтириш чора-тадбирларини белгилаш инсон саломатлигини сақлашдек жуда муҳим ижтимоий аҳмиятга моликдир.

#### **Шовқин ҳақида тушунча**

Одам учун ёқимсиз бўлган ҳар қандай товушлар шовқин деб аталади. Жисмларнинг бир-бирига урилиши, ишқаланиши ва мувозанат ҳолатининг бузилиши натижасида ҳосил бўлган ҳавонинг эластик тебраниши ҳаракати қаттиқ, суюқ ва газсимон муҳитда тўлқин ҳосил қилиб тарқалади. Бунда муҳит зарралари мувозанат ҳолатига нисбатан тебраниш ҳосил қилади ва бу тебраниш тезлиги тўлқинлар тарқалиш тезлигидан анча кичик бўлади.

Газсимон муҳитда шовқин тезлиги қуйидагича аниқланади:

$$C_{\text{ГАЗ}} = \sqrt{\frac{\mu P_{\text{СТ}}}{\rho}}$$

Бунда:  $\mu$  - газ адиабати кўрсаткичи (хаво учун  $\mu=1.4$ );  $P_{ст}$  - газнинг босими;  $\rho$  - газнинг зичлиги.

Нормал атмосфера шароитида ( $T = 293$  °К ва  $P_{ст} = 1034$  ГПа) товуш тезлиги  $C$  хавода  $344$  м/с га тенг.

Товуш тўлқинлари маълум чегарагача тарқалиши мумкин. Мана шу чегара оралиқ товуш майдони деб аталади. Товуш майдонидаги хар бир нуктада хаво зарраларининг харакат тезлиги вақт бирлигида ўзгариб туради. Бир лахзада кузатилган хаво тўлиқ босимининг таъсир кучидан холи бўлган хавонинг ўртача босимига нисбати товуш босими деб аталади ва  $P$  билан белгиланади. Товуш босимининг ўлчов бирлиги Па.

Одам қулоғига товуш босимининг ўрта квадрат миқдори таъсир қилади.

$$p^2 = 1/T_0 \int_0^{T_0} P^2(t) dt$$

Чизик ўртача вақт бўйича одам қулоғига  $T_0$   $30 \div 100$  мс давомида пайдо бўладиган босимни билдиради.

Товуш босимининг тебраниш тезлигига нисбати тебраниш амплитудасига боғлиқ эмас. У  $P/V = \rho c$  (Па·с/м) га тенг. Бунда:  $\rho$  - мухитнинг солиштирма акустик қаршилиги. Бу қаршилик хаво учун  $410$  Па с/м, сув учун  $1,5 \cdot 10^6$  ва пўлат учун  $4,8 \cdot 10^7$  Па с/м га тенг.

Шовқин тўлқинлари тарқалганда маълум миқдордаги энергия бир нуктадан иккинчи нуктага кўчирилади. Тўлқин тарқалаётган нормал йўналишнинг келтирилган юза бирлигига вақт бирлигида мухитнинг қандайдир нуктасидаги ўртача энергия оқими товушнинг шу нуктадаги тиғизлиги деб аталади ва  $I$  билан белгиланиб, Вт/м<sup>2</sup> билан ўлчанади.

$$I = P^2 / \rho c$$

Товушга қарши кураш чора-тадбирларини белгилашда кенг қўлланиладиган товуш тиғизлиги ва товуш босими birlikлари жуда катта чегараларда ўзгариб туради (масалан, тиғизлик  $10^{16}$  марта, босим эса  $10^8$

марта). Одам қулоғи товушнинг мутлақ ўзгаришини эмас, нисбий ўзгаришини фарқлайди.

Шунинг учун товуш бирликларини аниқлаш учун товуш тиғизлиги ва босимнинг даражаси бирлиги қабул қилинган. Бу бирлик одам қулоғи эшитиши мумкин бўлган энг минимал товуш тиғизлиги ва босимига асосланиб, бу бирликлар  $I=10^{-14}$  Вт/м<sup>2</sup> ва  $P=2 \cdot 10^{-5}$  Па ни ташкил қилади. Агар  $I / I_0=0$  бўлса, бу миқдор бир (Бел) Б деб қабул қилинади.

$$\frac{I}{I_0}=10 \rightarrow 2Б, \frac{I}{I_0}=100 \rightarrow 3Б \text{ ва х.к.}$$

Одам қулоғи Б бирликдаги товушнинг ўндан бирини ҳам яхши фарқлайди. Шунинг учун саноат корхоналарида шовқинни ўлчашнинг дБ бирлиги қабул қилинган.

Товуш даражаси қуйидагича аниқланади:

$$L = 10 \lg \frac{I}{I_0}, \text{ дБ}$$

Товуш босими бўйича эса,  $L = \lg P^2/P_0 = 20 \lg P/P_0$ , дБ

Товуш даражасини тиғизлиги бўйича аниқлаш, асосан акустик ҳисоблаш ишларида қўлланилади, босим бўйича аниқлаш эса шовқинни ўлчаш ва унинг инсон организмига таъсири даражасини белгилашда қўлланилади. Чунки инсон организми шовқиннинг тиғизлигини эмас, босимнинг ўрта геометрик миқдорини сезади.

Агар бирон-бир нуқтага бир неча манбанинг шовқини таъсир қилаётган бўлса, уларнинг даражаси эмас, балки тиғизлиги қўшилади.

$$I = I_1 + I_2 + \dots + I_n$$

Уларнинг даражаларини аниқлашда эса, айрим-айрим олинган тиғизликларнинг минимал эшитилиш миқдorigа нисбати олинади:

$$10 \lg \frac{I}{I_0} = 10 \lg \left( \frac{I_1}{I_0} + \frac{I_2}{I_0} + \dots + \frac{I_n}{I_0} \right),$$

ёки

$$L = 10 \lg (10^{L/10} + 10^{L/10} + \dots + 10^{L/10})$$

Мазкур ифодаларнинг амалий ахамияти саноат корхоналарида шовқинни камайтириш вақтида яхши билинади. Чунки агар корхонада бир неча шовқин манбаи ўрнатилганда, уларнинг бир нечасининг шовқини камайтирилса, бу умумий шовқин даражасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслиги мумкин. Аммо иш жойларида ҳар хил шовқин чиқарувчи механизмлар бўлса, унда ишни энг кучли шовқин чиқарувчи тизимни камайтиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Агар бирор саноат корхонасида бир хил даражада шовқин чиқарувчи бир неча механизм ўрнатилган бўлса, унда умумий шовқин даражаси қуйидагича аниқланади:

$$L=L_i+10 \lg n$$

$L_i$ - битта машина чиқарётган шовқин.

Бу формуладан кўриниб турибдики, иккита бир хил шовқин чиқарувчи манбанинг шовқини биттасиникига нисбатан 3 дБ ортиқ бўлади.

Одам қулоғи маълум частотадаги товушларни эшитиш қобилиятига эга. Бу частоталар 16 Гц дан 20000 Гц гача бўлган диапазонни ташкил қилади. 16 Гц дан кичик ва 20000 Гц дан катта бўлган частотадаги товушларни одам қулоғи эшитмайди ва у товушлар инфра ва ультра товушлар деб аталади.

Товушга қарши кураш чора-тадбирларни белгилашда шовқиннинг ўрта геометрик частота оралиқлари аниқланади. Бу оралиқлар қуйидагича белгиланади.

Ўрта геометрик частота оралиқлари: 63 (45-90) (қавсда шу частотани ифодаладиган чегара миқдорлар берилган), 125 (90-180), 250 (180-355), 500 (355-710), 1000 (710-1400), 2000 (1400-2800), 4000 (2800-5600), 8000 (5600-11200).


Шовқинлар ГОСТ 12.1.003-76 га асосан спектрал ва вақт бўйича синфларга бўлинади.

Спектр бўйича шовқинлар тонал товушлар (электр арранинг товуши) ва кенг полосали (реактив двигател товуши) бўлиши мумкин.

Вақт бўйича тавсифига кўра унинг доимийлиги (8 соат давомида 5 дБА гача ўзгарса) ва ўзгарувчанлиги (8 соат давомида 5 дБА дан ортиқ ўзгарса) ҳисобга олинади. Ўзгарувчан шовқинлар ўз навбатида вақт бирлигида узлуксиз (импульс) бўлиши мумкин.

### Шовқиннинг зарарли таъсири, нормалари

Эшитиладиган шовқинлар маълум частоталар (16-20000 Гц) билан чегараланиб қолмасдан, маълум чегарадаги эшитилиш даражаси ва босими билан ҳам фарқланади.



Кўрин

изик билан

белгиланган. 11астки чизик қулоққа зурға эшитиладиган чегара товушни ифодалайди. Бу товуш хар хил частоталар учун ўзгарувчан эканлиги чизмадан кўриниб турибди. Частота 1000 Гц бўлганда дБ билан ўлчанадиган товуш даражаси стандарт даража сифатида қабул қилинган ва бу частотадаги эшитиш чегараси  $L=0$  дБ деб қабул қилинган. Товуш частотаси 800-4000 Гц атрофида бўлганда эшитилиш даражаси минимал миқдорни ташкил қилади. Бу миқдордан камроқ ва кўпроқ частоталарда чегара эшитилиш даражаси  $L=80-100$  дБ га бориб қоладики, бу нарса товуш хусусиятларининг ўзига хос томони ҳисобланади. Товуш частотасининг 800 Гц дан кичик бўлганда эшитилишнинг қуйи даражаси кескин ўзгарганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Бу товушнинг қуйи частоталарига нисбатан юқори частотадаги товушлар инсон учун ёқимсиз товушлар эканлигини билдиради.

Юқорисида жойлашган эгри чизик товуш даражасининг юқори оғриқ хосил қилувчи чегарасини белгилайди. Бу чегара тахминан  $L=120-130$  дБ атрофида эканлиги кўриниб турибди. Бундан ортиқ даражадаги шовқинлар инсон учун оғриқ хосил қилувчи шовқинлар бўлиб, инсон эшитиш аъзосини ишдан чиқариши мумкин. Мана шу икки эгри чизик оралиғидаги частоталардаги шовқинлар “одам эшитиши мумкин бўлган товушлар” деб аталади.

Шовқин даражасига ва характерига қараб, у инсон организмига ҳар хил таъсир кўрсатади. Шовқин таъсир даражасининг ўзгаришида шовқиннинг таъсир даври ва одамнинг шахсий хусусиятлари ҳам маълум роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам шовқин ҳаммага бир хил таъсир кўрсатади деб бўлмайди. Унча катта бўлмаган шовқинлар (50-60дБ) ҳам инсон асаб тизимига сезиларли таъсир этади. Айниқса, бундай шовқинларнинг таъсири ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларда кўпроқ сезилади. Умуман, бундай шовқинларнинг таъсири ҳар хил одамда ҳар хил бўлади. Баъзилар бундай шовқинларга мутлақо ахамият бермайдилар, баъзилар эса кескин асабийлашади.

Бундай шовқиннинг таъсир кўрсатиши одамнинг ёшига, соғлиғига ва бажарадиган ишига, кайфиятига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Шовқиннинг зарарли таъсири, шунингдек доимий шовқинлардан фарқлилигига, масалан, мусиқа товушлари, одам сўзлашгандаги товушларга одам мутлақо бефарқ қарайди, худди шу даражадаги бегона шовқинлар уни асабийлашишга олиб келади.

Маълумки, баъзи бир жиддий касалликларга чалинган беморлар, масалан, қон босими, ичак ва ошқозон яраси ва баъзи тери касалликлари, асаб касалликлари билан оғриган беморларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш режимлари умуман касаллик туфайли бузилган бўлади. Бундай касаллар учун ортиқча шовқиннинг бўлиши уларнинг ниҳоят даражада толиқишига олиб келади. Агар бу шовқинлар тунларда бўлса, оғир асоратли касалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар шовқин

даражаси бундай холларда 70 дБ га тенг бўлса, у бундай толиққан беморлар организмида физиологик ўзгаришлар содир бўлишига олиб келиши мумкин. Ёш ва соғлом одамлар учун бундай шовқинлар бутунлай зарарсиздир.

Кучли шовқин одам соғлиғига ва ишлаш қобилиятига кескин таъсир кўрсатади. Агар шовқин даражаси 85-90 дБ га етса, бундан ишлаётган хар қандай одамнинг биринчи навбатда юқори частотадаги товушларни эшитиш қобилияти сусаяди. Узоқ вақт кучли шовқин таъсирида ишлаган одам тез толиқиб, бефарқ, хатто кар бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари шовқин таъсирдан овқат хазм бўлиш жараёни бузилади, ички аъзолар хажми ўзгаради.

Шовқиннинг бош мия қобиғига таъсири натижасида одам асабийлашади, толиқиш жараёни тезлашади, психик реакцияси кескин ўзгаради. Оқибатда жарохатланишлар содир бўлиши, масалан, шовқин таъсирида шу участкада харакатланаётган механизмлар сигналларини эшитмасдан, уларнинг таъсирига тушиб қолиш мумкин ва х.к.

Шовқин даражаси қанча катта бўлса, унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатлар хам катталашади.

Хар қандай шовқин натижасида пайдо бўладиган физиологик ўзгаришлар оқибатида шовқин касаллиги келиб чиқади.

Товуш тўлқинлари бош мия қобиғи орқали ўтиш имкониятига эга. Агар шовқин даражаси кичик бўлса (40-50 дБ), унда суяк орқали ўтган шовқин таъсири унча сезилмайди. Агар товуш даражаси юқори бўлса, унда унинг таъсир кучи ортиб кетади ва организмга кўрсатадиган салбий таъсири кескин кучаяди.

145 дБ дан ортиқ бўлган товуш даражаларида одам қулоғининг пардаси йиртилиши мумкин.


ССБТ ва ГОСТ 12.4.062-78 (“Эшитишнинг камайишини аниқлаш усуллари”) га асосан одам эшитиш аъзосининг нормадан четга чиққанини аниқлаб, уни маълум мутахассисликка яроқлилигини ва шовқин таъсири

натижаларини аниқлаш мумкин. Эшитиш қобилияти аудиометр ёрдамида аниқланади. Текширилаётган одам тинч хонада наушниклар орқали берилаётган тоза тондаги овознинг турли тиғизлигини эшитади. Худди шу вақтда приборлар ёрдамида шу одам эшитаётган овознинг минимал тиғизлиги белгиланади. Бу ўлчовлар натижалари график билан ифодаланади ва уни аудиограмма деб аталади. Бу диаграмма орқали текширилаётган одамнинг эшитиш қобилияти нормал эшитиш қобилиятига эга бўлган эгри чизик билан таққосланади.

Шовқиннинг нормаларини белгилаганда икки усулдан фойдаланилади:

а) Шовқинни чегара спектри асосида нормалаш; б) Шовқинни дБА товуш даражаси орқали нормалаш.

Доимий шовқинлар учун биринчи усул асосий нормалаш усули ҳисобланади. Бунда шовқин босими даражалари 8 октава ораликларда ўрта геометрик частоталари 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 8000 Гц ларда нормаланади. Шундай қилиб, иш жойларидаги шовқин ГОСТ 12.1.003-76 да берилган йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошиб кетмаслиги керак.



Чегара спектрининг мохиятини тушунтириш учун уни график холда келтириб таҳлил қилиш анча қулай ва тушунарли бўлади. Чизмадан кўриниб турибдики, шовқин частотаси ўсиши билан шовқин даражаси камаяди.

Чунки катта частотадаги шовқинлар ёқимсиз шовқинлар бўлганлиги сабабли йўл қўйиладиган миқдори камайиши табиий. Чизмада хар бир спектр ўз индекси ЧС-80 сифатида берилган. Шовқиннинг сон миқдори ўрта геометрик частотаси 1000 Гц бўлгандаги шовқин босими даражасини кўрсатади. Шовқин доимий ва ўзгарувчан бўлган вақт шовқин ўлчагичнинг А шкаласи орқали шовқиннинг дБА даражаси деб аталадиган шовқин спектри аниқ бўлмаганлиги сабабли тахминий олинадиган товуш миқдори иккинчи усулда белгиланган норма миқдорини белгилайди.

Шовқин даражаси чегара спектри билан  $L_A = dB + 5$  сифатида ифодаланиши мумкин. Умумий товуш даражаларининг ўрта геометрик частоталар бўйича дБ да белгиланадиган миқдори ва дБА бўйича эквивалент миқдори 11-жадвалда берилган. Тонал ва импульс товушлар учун бу жадвалда берилган миқдор дБА га нисбатан 5 дБ га камайтириб ҳисобланади. Шовқин нормалари аҳоли яшай-диган жойлар ва жамоат биноларида СНиП 11-12-77 асосида таъминланади.

Иш жойлари	Ўрта геометрик частоталари оралиқ октаваларидаги дБ билан ўлчанадиган шовқин даражалари								Шовқин даражаси ва дБА да эквивилент шовқин даражаси
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000	
Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган хоналар ва даволаш муасасасалари	71	61	54	49	45	42	40	38	50
Бошқарма бинолари	79	70	68	58	55	52	50	49	60
Масофадан туриб бошқариш хоналари	83	74	68	63	60	57	55	54	65
аниқ йиғиш цехлари ва машинада ёзиш	83	74	68	63	60	57	55	54	65

хоналари									
Лаборатория хона-лари	94	87	82	78	75	73	71	70	80
Доимий иш жойлари	99	92	86	83	80	78	76	74	85

### Шовқинни ҳисоблаш

Янги саноат корхоналарини ва цехларини лойиҳалашда шу саноат корхонаси ва цехларида келиб чиқиши мумкин бўлган шовқин босими даражаларини аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Маълумки, шовқин чиқарувчи машина ва механизмлар саноат корхонасининг бирор цехида жойлашганлигини ҳисобга олиб, ана шу шовқинни теварак-атрофдаги ишлаб чиқариш корхоналари, аҳоли яшаш жойларига шовқин таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар корхонани лойиҳалаш даврида ҳисобга олинади. Шовқинни ҳисоблаш асосан, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1) маълум нуқтада шовқин чиқариши мумкин бўлган ва шовқин тавсифлари аниқ бўлган шовқин манбаининг шовқин босими даражасини аниқлаш;

2) шовқиннинг камайтирилиши лозим бўлган миқдори;

3) шовқинни рухсат этиладиган миқдор даражасига келтириш чора-тадбирлари. Ҳисоблаш нуқтаси очик майдонда ёки берк хона ичида жойлашган бўлса, буларнинг ҳар бири учун ҳисоблаш формулалари ҳар хил бўлади.

Агар шовқин манбаи ҳисоблаш нуқтасига  $P$  босим тўсиқлар оша таъсир кўрсатаётган бўлса, унда бу товушнинг тиғизлиги қуйидагича аниқланади:

$$I = P\Phi/(SK)$$

Бунда  $\Phi$ -йўналтириш омили; S-шовқин таъсир кўрсатаётган майдон, агар шовқин текис юза бўйлаб тарқалаётган бўлса, бу юза  $S=2\pi r^2$  (бунда r-шовқин чиқараётган манба билан ҳисоб олиб борилаётган нуқта орасидаги масофа (32-расм, а); K-шовқин тарқалиш йўлидаги тўсиқлари ҳисобига камайишини кўрсатувчи коэффициент,  $K=1$ , (шовқин ҳаво орқали тарқалганда ҳаво молекулаларининг қаршилиги натижасида сўна боришини ҳисобга олиш керак).

Бу ифоданинг иккала қисмини  $I_0$  га бўлиб, логарифмласак:

$$10 \lg \frac{I}{I_0} = 10 \lg (I_0 S_0) + 10 \lg \frac{S}{S_0} - 10 \lg K$$

бўлади. Бу ерда

$S_0 - 1 \text{ м}^2$  ва  $10 \lg K$  ни  $\Delta L_p$  ҳамда

$$L_1 = L = 10 \lg \frac{I}{I_0}, \quad L_p = 10 \lg \frac{P}{I_0 S_0} = 10 \lg \frac{P}{P_0}$$

унда юқоридаги ифода ўрнига қуйидагини оламыз:

$$L = L_p + 10 \lg \frac{S}{S_0} - \Delta L_p,$$


бунда  $\Delta L_p$ -шовқин даражасининг тарқалиш йўлида камайишини дБ орқали белгиловчи миқдор бўлиб, агар шовқин тарқалиш йўлида тўсиқ бўлмаса ёки масофа 50 м атрофида бўлса, бу миқдор нолга тенг бўлади.

Манбанинг шовқин қуввати даражаси машинанинг паспортдан олинади ёки маълумотномада берилган маълумотлар орқали ҳисоблаб топилади.

Ҳисоблаш саккизта октава оралиқ бўйича айрим-айрим ўтказилади. Ҳисоблаб топилган шовқин даражалари қиймати йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматлар билан солиштирилади ва камайтирилиши зарур бўлган шовқин даражаси миқдори аниқланади (дБ):

$$\Delta L_x = L - L_{\text{кўш}}$$

Агар шовқин тарқатувчи манба хона ичида жойлашган бўлса, шовқин девор, пол, шифт ва бошқа жойларга тегиб кўп марта қайтиши натижасида хонадаги шовқин ташқаридаги худди шундай шовқинга нисбатан 10-15 дБ ортиб кетиши мумкин.



Шунинг учун ҳам био ичидаги шовқин тиғизлигини аниқлаганда ўғри келаётган шовқин тиғизлиги билан бирга қайтган товуш тиғизлиги  $I_k$  ни ҳам эътиборга олиш керак.

$$I = I_r + I_k = (P\Phi/S) + (4P/V)$$

Бунда  $V$ -хона учун ўзгармас миқдор бўлиб,  $V=A(1-\alpha_{\text{ўрт}})$  га тенг.  $A$ -товуш ютиш эквивалент майдони,  $A=\alpha_{\text{ўрт}} \cdot S_{\text{юза}}$ , бунда  $\alpha_{\text{ўрт}}$ - $S$  юзага эга бўлган товуш ютиш ўртача коэффициенти. Шовқин ютиш коэффициенти  $\alpha=I_{\text{ют}}/I_{\text{туш}}$  бунда:  $I_{\text{ют}}$ -ютилган товушнинг интенсивлиги;  $I_{\text{туш}}$ -тушаётган товушнинг интенсивлиги,  $\alpha \leq 1$ .

Шовқин манбаи яқинида шовқин даражаси тўғридан-тўғри манбадан чиқаётган товуш сифатида, ундан узоқлашганда эса, қайтаётган товушлар қўшилган ҳолда ифодаланади. Саноат корхоналарида  $I$  нинг миқдори 0,3-0,4 атрофида бўлади. Шунинг учун агар  $A=V$  деб қабул қилсак, хатолик унча катта бўлмайди.

## 8. Якуний қисм

### 8.1. Хулоса ва тавсиялар

Битирув малака ишида резинали эркаклар қўнжсиз ботинкаси деталларини конструкциялаш, бичиш, қирқиш, тановор ва пойабзални тикиш учун дизайн ишларини ботинкани устки, астарлик, оралик ва таглик деталларини эскизини моделини чиздим.

Конструкторлик ишларини қўнжсиз ботинкани асосий астарини тумшук қисмини лойиҳалаганимда, устки қисмдан 5-7 мм тумшук қисмида ва тортиш қирғоғидан ҳам 5-7 мм қисқароқ чиздим. Бундан мақсад тумшук ва аҳм қисмида тановорни тортганда асосий астар ғижимланмайди олдин асосий астарни тортиш қирғоғидан бутун периметр бўйича қисқартирилиб чизилади. Бундай асосий астарни қолипга тортганда чикимлар кўп бўларди, натижада пойабзални ишлатганда таглик қисмида қулайлик йўқоларди ва пойабзални ташқи кўринишини бузилишига сабаб бўларди.

Пойабзал технологияси ишларида корхона ассортиментини танланди, танланган ассортиментга размер-тўлалик ишларини ҳисоб-китоб ишларини бажарилди. Сўнг бичиш, қирқиш ва ишлов бериш, тановорни ва пойабзални йиғиш технологик жараёнларини тузиб чиқдим. Конструкторлик ва технологик жараёнларни бажарганимдан кейин материалларни сарф меъёрини ҳисоблаб чиқдим.

Пойабзални тикиш жараёнида тумшук ва панжа қисмини тортишда янги жиҳоз № 5 “БУСМК” (Англия) фирмасини жиҳози ишлатилди, бу жиҳозни ишлатилишдан мақсад тортиш машинасида бажарилган иккита кетма-кетлик тортиш жараёнга келтирилди. Натижада цехдаги майдон, иш кучи электро-энергия сарфи, меҳнат хақи тежаллади.

Менинг битирув маакавий ишимни пойабзални конструкциялари, пойабзал технологияси ва амалиёт ўтишда коллеж ўқувчиларига ўргатишга, пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида тадбиқ қилишга таклиф қиламан.

Ўқувчиларга корхонада ишлаб чиқарилган моделларни замон ва истеъмолчи талабига мос келадиган ассортимент танлаганман. Хар бир ассортиментга модель паспорти, материални бичиш ва қирқиш жараёни,

тановорни йиғиш технологик жараёнини, пойабзални йиғиш технологик жараёнини туздим. Материалга эҳтиёжни, пойабзални ўртамиёна майдонини, қоплаш баланси, чармга ўриндош суъний ва синтетик материалларга эҳтиёжи, бичиш комбинацияларини туздим.

Битирув малака ишини ижобий томонлари материалларни бичишда нормативдан энг оптимал бичиш фоизларини олинди. Тановорни йиғув цехида тановорга тумшук ости қўйиб, тановорга олдиндан шакл бериш жараёни қўшилди. Аввал бу жараён пойабзални йиғиш цехида бажарилар эди. Тановорга олдиндан ишлов бериш жараёни қуйдаги натижаларни берилди: цехдаги майдон ва ишчи кучи қисқартирилди.

## **9. Фойдаланилган адабиётлар**

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон». 1996. Том 2, 3-36 бетлар.

2.Каримов И. А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. –Т.: “Ўзбекистон“. 2000. 352 бет.

3.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2015 йил 26 январ. «Халқ сўзи», 2015 йил, 27 январь.

4.«Справочник обувщика» (Проектирование обуви. Материалы). М.1987г.

5. А.А. Хайдаров. «Чарм буюмларини конструкциялаш» Т. 1999й.

6. В.М.Ключникова. «Практикум по конструированию изделий из кожи».М.1987 г

7. Ю.П.Зибин. «Конструирование изделий из кожи» М. Лёгкая индустрия». 1982 г.

8. «Пойабзал ДАСТлари», ДАСТ 19116-84, ДАСТ 26165-84 ва бошқалар.

9.С.Мақсудов. «Чарм буюмлар технологияси» Т. 2004 й.

10.В.А.Фукин, А.Н.Калита. «Технология изделий из кожи» Част-1. М.1988г.

11.В.А.Раяцкас, В.П.Нестеров. «Технология изделий из кожи» Част-2. М.1989

12.«Справочник обувщика» (Технология) М.1989г.

13.«Технология производства обуви» Часть 1-7. М.1978г.

14.Экономика предприятия. Под ред. проф. Грузинова В.П.- М.: «ЮНИТИ», 1998

15. Экономика предприятия. Под ред. проф. Горфинкеля В.Я., Купрякова Е.М. –М.: «ЮНИТИ», 1996

16. Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни. –Тошкент: “Шарқ”, 1993 й.

17. Отахонов М. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. -Тошкент: «Меҳнат», 1991 й.

18. Пчелинцев и др. Охрана труда в строительстве. -Москва; 1991 г.

19. Ёрматов, Исамухаммедов Ё. Меҳнатни муҳофаза қилиш (Дарслик). -Т.: “Ўзбекистон” 2002.

### **Интернет сайтлар:**

Московская специализированная выставка обуви: [www.mosshoes.com](http://www.mosshoes.com);

Shoeinfonet - Авторитетный обувной сайт: [www.shoeinfonet.com](http://www.shoeinfonet.com);

Всероссийский обувной сервер: [www.obuv.ru](http://www.obuv.ru);

Обувной сервер: [www.shoesonthenet.com](http://www.shoesonthenet.com);

Обувной сервер: [www.shoeworld.com](http://www.shoeworld.com);

Российский союз кожевников: [www.souzkogevnikov.ru](http://www.souzkogevnikov.ru);

ISO-Международная организация по стандартизации:

[www.iso.ch/iso/en/ISOOnline.frontpage](http://www.iso.ch/iso/en/ISOOnline.frontpage);

Интернет-журнал " Oberon.ru ". Все новости моды. Фоторепортажи со всех

подиумных событий Москвы. Базы моделей, модельеров, фотографов.

Каталог магазинов: <http://www.oberon.ru>

## МУНДАРИЖА:

<b>I. Кириш.....</b>	<b>5</b>
I.1. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти.....	8
I.2. Битирув малака ишининг мақсад ва вазифалари.....	8
I.3. Битирув малака ишининг объекти.....	8
I.4. Битирув малака ишидаги илмий янгиликлар ва кутилаётган натижалар.....	9
I.5. Битирув малака ишининг амалий аҳамияти.....	9
I.6. Битирув малака ишининг тузилиши.....	9
<b>2. Асосий қисм.....</b>	<b>10</b>
2. Буюм дизайни.....	10
2.1. Замонавий моделни тенденциялари.....	10
2.2. Лойиҳа эскизи.....	10
2.3. Янги моделларни эскизини тайёрлаш .....	11
2.3.1. Моделни ташқи кўринишини тавсифи .....	12
<b>3. Буюм материалларини конфекциялаш .....</b>	<b>13</b>
<b>4. Конструкциялаш қисми .....</b>	<b>15</b>
4.1. Резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини сиртки деталларини лойиҳалаш.....	15
4.1.1. Сиртки деталларини лойиҳалаш.....	16
4.1.2. Ички деталларни лойиҳалаш.....	17
4.2. Резинали эркаклар қўнжсиз ботинкасини таг деталларини лойиҳалаш.....	17
4.2.1. Асосий патакни лойиҳалаш .....	20
4.2.2. Тагликни лойиҳалаш.....	21
4.2.3. Қўйгич ва тўлдиргичларни қуриш.....	23
4.2.4. Ич патак, ярим ич патак ва товон ости ич патакларини қуриш.....	24
4.2.5. Бикр дастакларни лойиҳалаш.....	24
4.2.6. Тумшуқ остини қуриш.....	25
<b>5. Технология қисми.....</b>	<b>26</b>
5.1. Корхона ассортименти.....	26

5.1.1. Ассортименти танлаш ва асослаш .....	26
5.1.2. Ўлчам-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.....	27
5.1.3. Лойиҳаланаётган буюмни техник тавсифи. Модел паспортини тузиш.....	30
5.2. Материалларни бичиш ва қирқиш технологик жараёнларини тузиш ва асослаш. Жихоз танлаш.....	37
5.3. Буюм деталларига ишлов бериш технологик жараёнларини тузиш ва асослаш.....	42
5.4. Тановарни йиғиш схемасини ва технологик жараёнини тузиш. Жихоз танлашни асослаш.....	46
5.5. Пойабзални йиғиш технологик жараёнини ва схемасини тузиш. Жихоз танлашни асослаш.....	50
5.6. Материалларга эҳтиёжни ҳисоблаш.....	56
5.7. Пойабзал деталларини ўртамиёна майдонини ҳисоблаш.....	61
5.7.1. Смена топшириғида чармга эҳтиёжини ҳисоблаш (қоплаш баланси).....	65
5.7.2. Чармга ўриндош, сунъий ва синтетик материалларга эҳтиёжни ҳисоблаш.....	68
5.7.3. Бичиш комбинацияларини танлаш ва асослаш.....	71
5.7.4. Смена топшириғига материалга эҳтиёжни ҳисоблаш.....	74
<b>6. Ижтимоий-иқтисодий қисм.....</b>	<b>82</b>
6.1. Таглиги ПВХ резинадан тайёрланган резинали эркаклар кўнжсиз ботинкасини ишлаб чиқариш фойдаси ва рентабеллигини бизнес-режада лойиҳалаш.....	82
<b>7. Меҳнат муҳофазаси.....</b>	<b>97</b>
7.1. Саноат корхоналарида шовқиндан сақланиш ва унга қарши кураш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.....	97
<b>8. Якуний қисм.....</b>	<b>110</b>
Хулоса ва таклифлар.....	110
Фойдаланилган адабиётлар.....	112

Мундарижа.

Илова.

Интернет маълумотлари.

<http://www.oberon.ru>

[www.obuv.ru](http://www.obuv.ru);

[www.shoesonthenet.com](http://www.shoesonthenet.com);

[www.shoeworld.com](http://www.shoeworld.com);

[www.souzkogevnikov.ru](http://www.souzkogevnikov.ru);